# QORAQALPOG'ISTON TONGI

SHU AZIZ VATAN BARCHAMIZNIKI

Gazeta 1992-yil 25-iyuldan chiqa boshlagan • www.qqtongi.uz • E-mail: qq-tongi@exat.uz • 6-fevral 2021-yil, №7-8 (1432-1433)


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ**

## 2017–2021 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ "ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ"ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, юқори иқтисодий ўсишга эришиш ҳисобидан халқимизнинг фаровонлигини ошириш ва кундалик ҳаётидаги муаммоларни ҳал этиш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

1.Халқ билан очиқ мулоқот натижалари асосида тайёрланган **2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури** (кейинги ўринларда – Давлат дастури) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2.Коронавирус пандемияси шароитида **тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чораларини давом эттириш** мақсадида қуйидагиларнинг амал қилиш муддати **2021 йил 31 декабрга қадар** узайтирилсин:

туризм, транспорт ва умумий овқатланиш соҳаларида фаолият юритаётган субъектларнинг ер ва мол-мулк солиғи бўйича 2021 йил 1 январь ҳолатига қарздорлиги тўланиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ–5969-сон Фармонида назарда тутилган вақтинча қийинчиликларни бошдан кечираётган хўжалик юритувчи субъектларнинг мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича 2020 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, мавжуд қарзига **пеня ҳисобланишини тўхтатиш ва солиқ қарзини мажбурий ундиришга қаратиш чораларини кўрмаслик талаби;**

коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тадбиркорлик субъектларига 2020йил 31 декабрь ҳолатига қолдиқда турган **мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича берилган фоизсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) суммаси;**

"хуфиёна иқтисодиёт" улушини қисқартириш учун солиқ аудити ўтказишда **"таҳлика-таҳлил"** тизими босқичма-босқич жорий этилган ҳолда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган кичик тадбиркорлик субъектларида **солиқ аудити ўтказилишига мораторий.**

3.**Ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофазага муҳтож талабаларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ижтимоий адолат тамойилини таъминлаш мақсадида** 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

а)олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган **200 нафар** ёшлар учун Ўзбекистон Республикаси Президенти гранти жорий этилсин.

**(Давоми 2-3-бетларда).**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**

## АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини, унинг бой илмий-адабий меросини ўрганиш, асарларини юртимиз ва хорижий мамлакатларда кенг тарғиб қилиш ҳамда хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

1.Фанлар академияси, Маданият вазирлиги ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фанлар академияси муассислигида **Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондини** (кейинги ўринларда – Фонд) **ташкил этиш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2.**Қуйидагилар Фонднинг асосий вазифалари этиб белгиланиши маълумот учун қабул қилинсин:**

Алишер Навоий ҳаёти, юксак инсонпарварлик ғоялари ва илмий-адабий меросини юртимизда ва **халқаро миқёсда кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш;**

**Алишер Навоий асарларини хорижий тилларга таржима қилиш, мукаммал илмий нашрларини яратиш,** уларни республикада ва чет элларда нашр этиш;

Алишер Навоийнинг илмий-адабий меросини **тадқиқ этаётган адиб ва олимлар фаолиятига кўмаклашиш,** улар яратган илмий ва бадиий асарларни жамлаш, **шоир ижодини ўрганаётган,** жумладан хорижий давлатлардаги **илмий-ижодий марказлар билан ҳамкорлик қилиш;**

ҳар йили Алишер Навоий туғилган сана – **9 февраль куни халқаро конференция (симпозиум)** ва "Навоийхонлик кунлари"ни ташкил этиш ва **ўтказиш.**

3.Қуйидагилар:

**Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди Васийлик кенгашининг таркиби** 1-иловага мувофиқ;

**Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондининг тузилмаси** 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Белгилансинки, Ижро этувчи дирекция Фонднинг ижро органи ҳисобланади ва унга ижрочи директор раҳбарлик қилади.

4.Васийлик кенгашига қуйидаги ваколатлар берилсин:

Фонднинг даромад ва харажатлари бўйича прогноз кўрсаткичларини ҳамда маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини тасдиқлаш;

Фонд маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишларини белгилаш;

ижрочи директорни лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш;

Ижро этувчи дирекция томонидан Фонд маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан тизимли назорат ўрнатилишини таъминлаш;

зарур ҳолларда, штат бирликлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Фонднинг тузилмасига ўзгартириш киритиш;

Фонд зиммасига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун манфаатдор давлат ва нодавлат ташкилотларни ҳамда ҳомийларни жалб этиш.

5.Қуйидагилар Фонд маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси томонидан **ҳар йили 1 миллиард сўмгача** ажратиладиган маблағлар;

халқаро молия институтлари грантлари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

6.Фанлар академияси ва Адлия вазирлиги икки ой муддатда Фонд уставининг белгиланган тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

7.Фонд Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, академик Яҳё Ғуломов кўчаси, 70-уйнинг бир қисмида текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

8.Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри, 2021 йил 4 февраль*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ**

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БИЛИМ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ТИЗИМИ ҲАМДА ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тўлақонли амалга ошириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига илмий асосланган ахборот, замонавий хизматларни кўрсатиш, ишлаб чиқаришга илм-фан ютуқлари ва инновацияларни кенг жорий этиш, таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш ва агрохизматлар кўрсатиш тизимининг узвий интеграциясини таъминлаш мақсадида:

1.**Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизимини 2021-2025 йилларда устувор ривожлантириш концепцияси** (кейинги ўринларда – Концепция) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**(Давоми 3-бетда).**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БИЛИМ ВА ИННОВАЦИЯЛАР МИЛЛИЙ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги **"Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида"**ги ПФ-6159-сон фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1.Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Фанлар академиясининг:

а)Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (кейинги ўринларда–Миллий марказ) тизимида:

**(Давоми 4-бетда).**

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИНИНГ ЎН ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

***Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ўн тўртинчи сессияси бўлиб ўтди.***

Унда Олий Мажлис Сенати ҳамда ҳукумат аъзолари, секторлар, тегишли соҳа раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Сессияни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси ўринбосари А.Давлетов бошқариб борди. Депутатлар сессия Котибиятини сайлади ва кун тартибини тасдиқлади.

Кун тартибида дастлаб "Шимоли-ғарбий ҳарбий округининг 2020 йилда амалга оширган ишлари ҳамда 2021 йилга белгиланган режалар ҳақида Шимоли-ғарбий ҳарбий округи қўмондонининг ахбороти тўғрисида"ги масала кўриб чиқилди. Бу бўйича ҳарбий округ қўмондони Ф.Шерматов ахборот берди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда давлатимиз раҳбари, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, Қуролли Кучларимизнинг мудофаа салоҳиятини янада кучайтириш, ҳарбий соҳада олиб борилаётган ислоҳотларни жадаллаштириш, замонавий, ҳаракатчан, ҳар томонлама мукаммал қуролланган армияни ташкил этиш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда.

**(Давоми 4-бетда).**

*Ҳазрат Алишер Навоий 580 ёшда*

## НАВОИЙ – ЯНГИ ДАВР ОЛАМИДА



**Кейинги йилларда янгиланаётган ҳаётимиз, Ватанимиз равнақи аҳолининг фаровон турмуши, янги бунёдкорликларда намоён бўлаётганлиги маънавият, адабиёт, санъат оламида ёрқин из қолдирмоқда.**

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак» деб алоҳида таъкидлаб ўтгани бежиз эмас. Биз буни Ҳазрат Алишер Навоийнинг 580 йиллиги нишонланаётган кунларда чуқур ҳис қилмоқдамиз.

Бу борада Президентимизнинг ўтган йил 19 октябрдаги қарори Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини мамлакатимиз ва халқаро миқёсда кенг ўрганиш ва тарғиб қилишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Шунингдек, куни кеча «Алишер Навоий номидаги Халқаро жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинди.

Унда буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини, унинг бой илмий-адабий меросини ўрганиш, асарларини юртимиз ва хорижий мамлакатларда кенг тарғиб қилиш ҳамда хотирасини абадийлаштириш мақсадидаги яна бир муҳим вазифа белгиланган.

Яъни эндиликда, Фанлар академияси, Маданият вазирлиги ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фанлар академияси муассислигида Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди ташкил этилади.

**(Давоми 5-бетда).**

*(Ушбу мавзуга оид материалларни газетамизнинг 5-саҳифасида ўқийсиз).*

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАЛАРИ КЎРГАЗМАСИ




**Нукусда "Ўзагролизинг" акциядорлик жамияти томонидан қишлоқ хўжалиги техникаларига бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.**

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари С.Хожаметов, "Ўзагролизинг" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари Б.Каримов ва бошқалар сўзга чиқиб, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш ва соҳани замонавий техникалар билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар хусусида тўхталди.

Таъкидланганидек, қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ва сифатли ҳосил олиш, тармоқни илғор усуллар асосида ривожлантиришда соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, машина-трактор паркларини замонавий техника ва агрегатлар билан таъминлаш муҳим ўрин тутади.

**(Давоми 6-бетда).**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# 2017–2021 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ “ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ”ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги ва Давлат тест маркази билан биргаликда **2021 йил 1апрелга қадар** Ўзбекистон Республикаси Президенти грантини ажратиш тартибини ишлаб чиқсин ва олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида балл тўплаган шахслар тўғрисидаги очиқ маълумотларни назарда тутувчи ягона электрон реестрни шакллантирсин;

б) олий таълим муассасасида икки ва ундан ортиқ фарзанди шартнома асосида ўқиётган оилаларга таълим кредити бериш ва талаба томонидан ушбу кредитни ўқиш даври тугагандан сўнг қайтариш амалиёти йўлга қўйилсин.

Молия вазирлиги Марказий банк билан биргаликда **икки ой муддатда** мазкур амалиётни йўлга қўйиш ҳамда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тижорат банкларига кредитлар учун мақсадли ресурслар ажратишни таъминлаш чораларини кўрсин;

в) олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони **25 фоиз**га ҳамда эҳтиёжманд оилалар фарзанди бўлган хотин-қизлар учун давлат грантлари сони **2 баравар**га оширилсин, шунингдек, хусусий олий таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлашга давлат гранти бериш тизими жорий этилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021/2022 ўқув йили учун ўқишга қабул қилишга давлат буюртмаси параметрларининг тубдан қайта кўриб чиқилишини таъминласин;

г) академик таътил беришнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

академик таътил олишни истаган талабалар **ўз ихтиёрига кўра академик таътил муддатига таълимнинг сиртқи ва масофавий шаклига ўтказилиб** (агар олий таълим муассасасида бундай таълимнинг шакллари мавжуд бўлса), уларга узлуксиз мустақил таълим олиш имконияти яратилади;

**оиласининг бетоб аъзосини парвариш қилиш сабабли анъанавий шаклдаги таълимни давом эттириш имконияти бўлмаган талабаларга** ҳам академик таътилни олиш ҳуқуқи берилади;

талабаларга ўқиш давомида академик таътил берилиши бўйича миқдорий чекловлар бекор қилинади;

академик таътилдан қайтган талабаларни илгари ўзлаштирилган фанлар бўйича қайтадан ўқитиш амалиёти бекор қилинади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда **бир ой муддатда** академик таътил олишни истаган талабалар томонидан сиртқи ва масофавий шаклда мустақил таълим олишни ташкил этиш, олий таълим муассасаларида экстернат тартибида таълим олиш бўйича ҳуқуқий асосларни яратишни назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

д) илмий унвон ва илмий даражаларни бериш ваколати **2021 йил 1 сентябрдан бошлаб** республиканинг нуфузли олий таълим муассасаларининг илмий кенгашларига босқичма-босқич ўтказилсин.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** илмий даражали кадрлар тайёрлаш ва олий таълимдан кейинги таълим соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин.

4. Республикада талаб юқори бўлган касблар бўйича иқтидорли мутахассисларни нуфузли хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасаларда тайёрлашнинг самарадорлигини тубдан ошириш мақсадида **2021 йил 1 апрелдан бошлаб:**

“Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали нуфузли хорижий олийгоҳларнинг магистратура ва докторантурасида ўқишга юбориладиган ёшлар сони **5 баробар**га оширилсин;

“Эл-юрт умиди” жамғармаси ҳисобидан хорижда бакалавриат таълим дастурлари бўйича ўқитиш тизими жорий этилиб, 2021 йилда **100 нафар** ёшларнинг хорижга таълим олиш учун юборилиши таъминлансин;

“Эл-юрт умиди” жамғармаси таълим дастурлари бўйича номзодларни саралашни очиқ стипендия танлови асосида Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари учун уларнинг республикадаги иш ва ўқиш жойидан қатъи назар мунтазам равишда ўтказиш амалиёти йўлга қўйилсин;

бакалавриат, магистратура ва докторантурада ўқиш дастурлари учун стипендия танловини нуфузли хорижий таълим, илмий ёки бошқа муассасадан ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги таклифнома асосида ўтказиш тартиби йўлга қўйилсин.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси бир ой муддатда давлат хизматчилари ва мутахассисларни хорижда тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича аниқ чоралар кўрсин.

5. Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар Академияси ва Инновацион ривожланиш вазирлиги **уч ой** муддатда **физика фани ва чет тиллари** бўйича узлуксиз таълим сифати ва натижадорлигини ошириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи комплекс дастурларни ишлаб чиқсин:

илмий тадқиқотларни ривожлантириш, таълим ташкилотларида мазкур фанларни ўқитиш методикасини қайта кўриб чиқиш, амалий ва инновацион лойиҳалар танловларини ташкиллаштириш, соҳадаги илмий ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш;

янги авлод, шу жумладан, электрон дарслик ва ўқув курсларини яратиш, шунингдек, ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини шакллантириш мақсадида ўқув дастурларида амалий ва интерфаол машғулотларнинг улушини кўпайтириш;

хорижий тилларни ўрганиш учун кенгроқ имконият яратиш мақсадида бепул тил ўрганиш электрон платформаларини яратиш;

ихтисослашган мактаб (синф)лар фаолиятини босқичма-босқич йўлга қўйиш, уларни олий таълим ташкилотлари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари билан ўзаро боғлаш ҳамда хорижий мамлакатлардан ўқитувчиларни жалб этиш.

6. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда **2025 йилда Ўзбекистонда ёшлар ўртасидаги IV ёзги Осиё ўйинларини ўтказиш**га пухта тайёргарлик кўриш ишлари бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва унда қуйидагилар назарда тутилсин:

республикада мавжуд спорт объектлари ва иншоотлари, логистика, транспорт ва меҳмонхона инфратузилмасини ўрганиш натижасида Осиё Олимпия Кенгаши ва халқаро спорт федерациялари талабларига мувофиқ уларни таъмирлаш ёки янгиларини қуриш бўйича таклифларни тайёрлаш;

ёшлар ўртасидаги IV ёзги Осиё ўйинларига тайёргарлик кўришнинг бош режасини унда белгиланадиган ҳар бир тадбир бўйича молиялаштириш манбаси ва масъул ижрочини кўрсатган ҳолда тузиш;

Осиё Олимпия Кенгаши талабларига асосан ёшлар ўртасидаги IV ёзги Осиё ўйинлари дастурига киритиладиган спорт турларини саралаб олиш ва ўйинлар дастурини ишлаб чиқиш босқичларини белгилаш.

7. **Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш** ва ижтимоий ҳимояни кучайтириш мақсадида:

а) **2021 йил 1 июлдан бошлаб** “ҳамширалик иши” билан мустақил шуғулланиш учун ўрта тиббиёт мутахассисларига ўзини ўзи банд қилиш асосида рухсат берилсин;

б) **2021 йил якунига қадар** меҳрибонлик уйларининг уй-жойга муҳтож 900 нафар чин етим битирувчилари уй-жой билан таъминлансин.

Молия вазирлиги кейинги йиллар учун бюджет параметрларини шакллантиришда меҳрибонлик уйларининг уй-жойга муҳтож етим битирувчилари ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлашга маблағлар ажратилишини назарда тутиб борсин;

в) **2021 йилда 22 та**мактабгача таълим ташкилоти бинолари, **31 та** янги мактаб, **16 та** олий таълим муассасалари бинолари, **24 та** соғлиқни сақлаш объектлари ҳамда **23 та** спорт объектларининг қурилиши таъминлансин.

8. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг таълим олиши ва касб эгаллашига кўмаклашиш, оғир касалликка чалинган болаларни даволаш мақсадида **Болаларни қўллаб-қувватлаш фонди** ташкил этилсин ва унинг мақсадлари амалга оширилишини молиялаштириш учун Давлат бюджетидан **100 миллиард сўм** ажратилсин.

9. Илғор хорижий тажриба ва кенг жамоатчилик таклифлари инобатга олинган ҳолда, **2021 йил 1 июнга қадар ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш**га қаратилган қуйидаги амалиёт жорий этилсин:

муҳтож аҳолини протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш амалиётини **сертификат бериш тизимига** ўтказиб, фуқароларга ўз танловига кўра давлат томонидан бериладиган маблағлар (сертификат) ҳисобидан исталган ишлаб чиқарувчидан протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари сотиб олиш имкониятини яратиш;

ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган, анатомик нуқсонлари бўлган шахсларни клиник-функционал маълумотларни олишга доир қўшимча текширувдан ўтказмасдан туриб, улар ногиронлиги бўлган шахс деб топилганда **ногиронликни муддатсиз даврга белгилаш.**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги **уч ой муддат**да тиббий-ижтимоий хизматнинг мутлақо янги моделини шакллантириш чораларини кўрсин.

10. Пенсия ва нафақаларни тайинлашда **фуқаролар учун янада қулай шароитлар яратиш** мақсадида қуйидаги тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2021 йил 1 июндан бошлаб:**

пенсияларни тайинлашда шахснинг иш ҳақи ва меҳнат стажи тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси юритилмаган давр – 2005 йилдан аввалги йиллар учун иш стажи шахснинг меҳнат дафтарчасидаги мавжуд ёзувлар асосида тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмасдан ҳисобланади;

уч йил ва ундан аввал тайинланган, қайта ҳисобланган пенсия ва нафақаларни текшириш ҳамда улар бўйича аниқланган ортиқча тўловни ундириш бекор қилинади;

ишловчи фуқаролар томонидан ишламайдиган турмуш ўртоқлари келгусида пенсия таъминотига эга бўлишлари учун ўз даромадларидан ихтиёрий равишда ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаш ҳуқуқи берилади;

пенсия ва нафақалар фуқаронинг хоҳишига кўра рўйхатга олинган доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича тайинланади ва тўланади;

пенсия ва нафақаларни нақд пулсиз шаклда олиш учун аризалар фуқаролар томонидан Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг (кейинги ўринларда – Пенсия жамғармаси) тегишли бўлимига мурожаат қилмаган ҳолда, тижорат банклари филиалларида банк пластик карталарини очиш жараёнида ёки банк мобиль иловалари орқали электрон шаклда расмийлаштирилади;

фуқароларнинг пенсияга бўлган ҳуқуқи йўқолганлигини тегишли вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этиладиган электрон маълумотлар асосида аниқлаш орқали пенсияларни нақд пулсиз шаклда олувчи шахслар томонидан ҳар олти ойда Пенсия жамғармасининг бўлимига келиш ҳамда масъул ходимлар томонидан жойларга чиққан ҳолда мониторинг ўтказиш мажбурияти бекор қилинади.

11. Пенсия ва нафақалар тўғри тайинланиши ҳамда тўланиши бўйича текширишлар натижасида аниқланган ортиқча тўлов суммасининг **2021 йил 1 февраль** ҳолатига бўлган қарздорлиги ҳисобдан чиқарилсин.

12. Иқтисодиётни ривожлантириш, шу жумладан, **камбағалликни қисқартириш ва узоқ муддатли барқарор иқтисодий ўсишнинг пойдеворини яратиш** мақсадида:

а) ишсиз аъзолари бор оилаларга, жумладан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларга деҳқончилик билан шуғулланиш имкониятларини кенгайтириш учун:

деҳқончилик билан шуғулланиш учун, шу жумладан, янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ер майдонларида 0,1 гектардан 1 гектаргача ер ажратилиши;

ажратилган ер майдонлари суғориш тизими (артезиан қудуқлар, томчилатиб суғориш тизими ва бошқалар) ҳамда электр энергияси билан таъминланиши;

берилган ерларни ўзлаштириш учун (ер ҳайдаш, уруғ, кўчат харид қилиш ва бошқалар) субсидия ажратилиши йўлга қўйилсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда **2021 йил 1 апрелга қадар** ҳар бир туманнинг имконияти ва ривожланиш йўналишидан келиб чиқиб, эҳтиёжманд оилаларга деҳқончилик билан шуғулланиш учун кўмаклашиш тизимини йўлга қўйиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин;

б) тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, шу жумладан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”-га киритилган фуқароларга фаолиятини бошлаш учун керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш учун **7 миллион** сўмгача субсидиялар ажратилиши амалиёти йўлга қўйилсин.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** ишсиз аҳолини тадбиркорликка ва ўзини ўзи банд қилиб ишлаш фаолиятига жалб қилишнинг янги механизмлари юзасидан таклиф киритсин;

в) **2021 йил 1 мартдан бошлаб** заргарлик соҳасида кенг имкониятлар яратиш учун “Навоий кон-металлургия комбинати” ДК томонидан кумушни биржа орқали заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларга эркин сотиш тартиби жорий этилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги **бир ой муддатда** кумушнинг ишлаб чиқарувчиларга биржа савдолари орқали сотилиши, биржага қўйиладиган кумуш ҳажмларини шакллантириш ва маҳсулот бошланғич нархини асосли белгилаш бўйича таклифларни киритсин.

13. Белгилаб қўйилсинки, **2021 йил 1 мартдан 2022 йил 1 июнга қадар ички туризмни оммалаштириш доирасида** Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш учун қуйидаги харажатларнинг **бир қисмини қайтариш** механизми жорий қилинади:

**авиаташувчиларга**–ички туризм йўналишларидаги авиақатновларда авиа чипта нархининг **25 фоизи;**

**туроператор ва турагентларга**– Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун ташкил этилган турлар юзасидан авиа ва темир йўл чипталари нархининг **15 фоизи** ҳамда жойлаштириш воситаларининг жойлаштириш бўйича хизматлари (меҳмонхона хизматлари) нархининг **10 фоизи.** Бунда, ушбу харажатларнинг бир қисмини қайтариш саёҳат амалга оширилган ҳудудлардаги жойлаштириш воситаларида камида **бир кеча тунаб қолиш шарти билан** тақдим этилади.

14. Электр энергияси ва табиий газ таъминотида монополияни бекор қилиб, бозор муносабатларини шакллантириш мақсадида:

суюлтирилган газ импорти учун белгиланган божхона божи ва уни импорт қилиш учун талаб этиладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар бекор қилинсин;

**2021 йил 1 июнга қадар** ишлаб чиқарувчи ва импортёрлар учун электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш соҳасига бозор механизмларини жорий этиш орқали улгуржи бозорни шакллантириш “Йўл харитаси” ишлаб чиқилсин.

Энергетика вазирлиги “Йўл харитаси” ишлаб чиқилишини таъминласин ҳамда биринчи босқичда **2021 йил 1 августдан бошлаб,** йирик корхоналарга электр энергияси ва табиий газни импорт асосида сотиб олиш ҳуқуқи берилишини назарда тутсин.

15. Давлат солиқ хизматида “Солиқчи-кўмакчи” тамойили асосида фермер хўжаликларининг даромад ва харажатларини автоматик шакллантириш ва солиқ органларига юбориш имконини берувчи электрон тизимни **2021 йил 1 июлга қадар** амалиётга жорий этиш чоралари кўрилсин.

Белгилансинки, давлат солиқ хизматининг фаолиятини “Солиқчи-кўмакчи” тамойили асосида ташкил этиш доирасида олдинги йил учун даромадлари йиллик молиявий ҳисобот маълумотларига кўра камида **5 миллиард сўм**ни ташкил этган, юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликлари солиқ мониторингида иштирок этишга ҳақли.

16. Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги ва Ҳисоб палатасининг Молия вазирлиги тизимидаги Давлат молиявий назорати департаменти тузилмасини такомиллаштириш ва фаолиятининг самарадорлигини ошириш, ички аудит хизматларини тартибга солиш тизимини ривожлантириш, шунингдек, ўтказиладиган текширишлар ва уларнинг натижалари юзасидан маълумотларни очиқ эълон қилиб бориш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Молия вазирлиги Ҳисоб палатаси билан биргаликда **бир ой муддатда** давлат молиявий назорати ва ички аудит тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича ишларни жадаллаштирсин.

17. Божхона назорати тартиб-таомилларини такомиллаштиришда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, **давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш** мақсадида **2021 йил 1 июлдан бошлаб** божхона назоратини олиб боришнинг қуйидаги тартиби белгилансин:

тоифадан ташқари мақомдаги **“Масофавий электрон декларациялаш божхона постлари”** синов тариқасида босқичма-босқич ташкил этилади;

божхона расмийлаштируви жараёнларини масофавий бошқариш, инсон аралашуви кескин қисқартирилади;

чегараларда ветеринария ва фитосанитария органлари томонидан юк ташувчиларни рўйхатга олиш, ҳужжатларни текшириш, уларга кўрсатилган хизматлар учун тўловлар ундириш жараёнини рақамлаштириш орқали умумий онлайн назорат амалиёти жорий этилади.

18. **Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш,** шу жумладан, **давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш** мақсадида:

а) жорий йилда ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда ҳар бир ҳудудда биттадан туман (шаҳар) бюджетини шакллантиришда харажатларнинг камида **5 фоизи**ни бевосита аҳолининг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиб, маҳалладаги муаммоларни ҳал этишга йўналтириш тартиби эксперимент тариқасида жорий этилсин;

б) **2021 йилда** давлат бошқаруви **ходимлари сони ўртача 15 фоизгача оптималлаштирилсин.**

Молия вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда **2021 йил 1 мартга қадар** қуйидаги чораларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси киритилишини таъминласин:

бошқарувда бир-бирини такрорлайдиган идоралар, функциялар ва бюрократик тўсиқларни ва мажлисбозликни қисқартириш;

кўп йиллар давомида бўш турган штат бирликларини оптималлаштириш;

айрим давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш ҳамда лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни қисқартириш ва уларни бериш жараёнини автоматлаштириш ҳисобига иш жараёнларини қайта кўриб чиқиш;

вазирлик ва идоралар фаолиятида қарор қабул қилиш жараёнларини соддалаштириш;

рақамли технологияларни кенг жорий этиш ҳисобидан иш жараёнларини оптималлаштириш;

вазирликларда фаолиятни туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳалла кесимида режалаштириш тизимини жорий этиш;

в) ўрта ва қуйи бўғин бошқарув органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш доирасида:

вилоят, туман, шаҳар ва маҳалла бошқарувида самарадорликни ошириш учун ходимлар сони ва маоши ҳудуднинг ўзига хослиги ва иш ҳажмидан келиб чиқиб белгилансин;

қуйи тизим раҳбарлари ва ходимларини янгича талаблар ва замонавий ахборот технологиялари асосида самарали ишлашга ўргатиш ва малакасини мунтазам ошириб боришнинг аниқ тизими жорий этилсин;

Вазирлар Маҳкамаси **икки ой муддатда** ўрта ва қуйи бўғин бошқарув органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича аниқ чораларни кўрсин;

г) **2021 йил якунига қадар** амалдаги қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, шу жумладан, эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган ҳужжатларни бекор қилиш ва тарқоқ ҳужжатларни тизимлаштириш орқали **тартибга солиш юкини ва тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг даражасини камайтириш учун ортиқча нормаларни қисқартириш** таъминлансин.

Адлия вазирлиги **2021 йил 1 майга қадар** норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган ҳужжатларини бекор қилиш бўйича ишларни ташкил этиш ҳамда аниқ муносабатларни тартибга солувчи ҳужжатларни тизимлаштириш бўйича таклифларни киритсин;

д) **2021 йил 1 июлга қадар** маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қарорларни фақатгина **махсус “E-qaror”** электрон тизими орқали тайёрлаб, қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилсин.

Адлия вазирлиги **уч ой муддатда:**

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини тайёрлаш, қабул қилиш, ҳисобга қўйиш ва эълон қилиш бўйича электрон ахборот тизимини жорий этиш;

электрон тизимдан фойдаланиш, уни юритиш ва унда жамоатчилик иштирокини таъминлаш;

қабул қилинаётган қарорларни ижрочи ва манфаатдор ташкилотларга етказиш ва тегишли базалар билан интеграция қилиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларини мазкур тизимда ишлаш бўйича ўқитиш амалиётини йўлга қўйиш;

электрон тизим орқали қабул қилинмаган ҳужжатларни амалга киритганлик ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни адлия органларида ҳуқуқий экспертизадан ўтказмаган ҳолда қабул қилганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш бўйича таклифларни киритсин.

19. Молия вазирлиги **2021 йил 1 майдан бошлаб** қуйидагиларга оид молиявий маълумотларни оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида эълон қилиш амалиётини жорий этсин:

давлат органлари бюджетдан ташқари жамғармаларининг даромади ва харажатлари;

устав фондида (устав капиталида) давлат улуши **50 фоиз** ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар ҳамда уларга устав фондининг (устав капиталининг) **50 фоизи** ва ундан ортиғи тегишли бўлган юридик шахслар харидлари;

давлат субсидия ва грантларининг миқдорлари ва олувчилари.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги **икки ой муддатда** очиқ эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар рўйхатини кенгайтириш, шу жумладан, давлат харидлари ва инвестиция лойиҳалари доирасида ҳамда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш бўйича ташкил этиладиган тендер ва танлов комиссияларининг таркиби, давлат активларининг олди-сотди ва давлат-хусусий шериклик лойиҳалари жараёнлари иштирокчилари, солиқ ва бошқа имтиёзлар олувчилар каби маълумотларни очиқ эълон қилиш бўйича таклифларни киритсин.

20. Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг қуйидагиларни назарда тутувчи **“E-Антикоррупция” лойиҳасини амалга ошириш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан киритилган коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш, соҳа ва тармоқлар кесимида чуқур таҳлиллар ва жамоатчилик сўровларини ўтказиш натижасида **“Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри”**ни шакллантириш;

“Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри”га мувофиқ ҳар бир коррупциявий омилни биринчи навбатда рақамлаштириш (электрон навбат, аукцион ва бошқа замонавий усуллар), очиқликни таъминлаш, жамоатчилик назорати каби воситалар орқали бартараф этиш бўйича таклифларни экспертлар ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари орасида кенг муҳокамадан ўтказган ҳолда ишлаб чиқиш;

амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлигини ва коррупциявий омилларни бартараф этишга таъсирини жамоатчилик фикрини ўрганган ҳолда баҳолаш ва эълон қилиш.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги Бош прокуратура ва Адлия вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** “E-Антикоррупция” лойиҳасини амалга ошириш механизмлари ҳамда коррупцияга мойил бўлган муносабатларни бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин.

21. Адлия вазирлиги **бир ой муддатда** аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан муносабатга киришишида **бюрократик тўсиқларни тубдан қисқартириш**га қаратилган, қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳасини киритсин:

фуқароларнинг доимий (вақтинча) рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар фойдаланиши мумкин бўлган давлат хизматларининг кўламини кенгайтириш;

давлат, ижтимоий ва бошқа хизматларни кўрсатишда фуқаронинг шахсини тасдиқлашнинг ягона идентификация рақамини жорий этиш;

давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида электрон маълумот алмашинувини йўлга қўйиш орқали улар ўртасида қоғоз кўринишида ҳужжат тақдим этиш амалиётига чек қўйиш;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган давлат хизматларининг натижаларини почта алоқаси орқали етказиш амалиётини йўлга қўйиш;

**“марказ-маҳалла-фуқаро”** тамойили бўйича давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиб келинаётган хизматларнинг ҳар бир оилага кириб боришини таъминлаш бўйича Қарши шаҳар тажрибасини жорий этиш.

22. **2021 йил 1 майдан бошлаб** мамлакатимизга **2005 йил 1 январга қадар** келиб, доимий яшаётган, шунингдек, мамлакатимизда **15 йил давомида** доимий яшаб турган фуқаролиги бўлмаган (чет давлат фуқаролигини қабул қилмаган) шахслар томонидан истак билдирилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб тан олиш тартиби жорий қилинсин.

23. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги халқаро стандартлар ва инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этиш мақсадида:

**2021 йил 1 апрелга қадар** Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан ҳар чоракда жамоатчилик вакиллари билан биргаликда тергов изолятори ва жазони ўташ муассасаларига **“мониторинг ташрифлари”** тизимини йўлга қўйиш чораларини кўриш тавсия этилсин;

**2021 йил 1 июнга қадар** жазони енгилроғи билан алмаштириш ва шартли озод қилиш тўғрисида тақдимнома киритиш ваколати жазони ижро этиш муассасаларидан янги ташкил этиладиган **инсонпарварлик комиссияларига** ўтказилсин;

**2021 йилда 6 тагача** манзил-колониялар қисқартирилсин.

**(Давоми 3-бетда).**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# 2017–2021 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ "ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ"ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Бошланиши 1-2-бетларда).**

24. Кенг жамоатчиликнинг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

а) **йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг асосий фаолиятини фуқароларга кўмак беришга йўналтириш** ҳамда **коррупцияга имкон берадиган омилларни бартараф этиш** чораларини кўриш учун:

автомототранспорт воситасини техник кўрикдан ўтказишни экстерриториаллик принципи асосида йўлга қўйиш ва янги автомототранспорт воситасини техник кўрикдан ўтказиш талабини бекор қилиш;

Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоятлар марказларида биттадан рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлим (бўлинма)ларида фуқароларнинг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган ҳудудидан қатъи назар автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга давлат рақами белгиларини беришни амалга ошириш;

барча рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлим (бўлинма)ларида ҳамда камида **20 та** давлат хизматлари марказларида миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштиришни (шу жумладан, алмаштириш ёки йўқолгани ўрнига янгисини бериш) фуқароларнинг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган ҳудудидан қатъи назар амалга ошириш;

ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга талабгорлардан имтиҳон олиш жараёнини жамоатчилик томонидан, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали кузатиш имконини яратиш;

илғор хорижий тажрибага асосланган ҳолда, автомобиль йўлларида йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда ўлим ҳолатларини, шу жумладан, пиёдалар ўтиш жойларининг замонавий светофорлар билан таъминланганлик даражасини босқичма-босқич ошириш орқали қисқартириш.

Ички ишлар вазирлиги **уч ой муддатда** ушбу бандда назарда тутилган чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

б) республика ҳудудида давлат ўрмон фондига кирмайдиган **дарахт ва буталарнинг қимматбаҳо навлари кесилишига жорий этилган мораторийнинг** амал қилиш муддатини 2021 йил 31 декабрга қадар узайтириш. Бунда:

ҳар бир кесилган дарахт ва буталар учун компенсация тарзида **10 туп** қимматлилиги жиҳатидан кесиладиган дарахт ва буталардан кам бўлмаган, йирик ўлчамли кўчат экиш ҳамда уларни камида икки йил давомида парвариш қилиш, ноқонуний кесилган дарахт ва буталар учун эса **уч йил давомида** парваришлаш шарти билан **100 туп** кўчат экиш мажбурияти киритилсин;

дарахт ва буталарнинг кесилишига жорий этилган мораторий талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида дарахт ва буталарнинг ноқонуний кесилишини аниқлаган ёки олдини олган фуқароларни рағбатлантириш тизими жорий этилсин.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси **икки ой муддатда** атроф-муҳитга етказилган зарарни қоплаш тартибини қайта кўриб чиқиб, табиатни қайта тиклашга қаратилган компенсация механизмларини кенг жорий этсин.

25. Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** хорижий мамлакатлар билан 2021 йилда савдо-иқтисодий, инвестициявий, илмий-маърифий, маданий-гуманитар ва сиёсий соҳаларда, шунингдек, хавфсизлик соҳасида ҳамкорликни фаоллаштиришга қаратилган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва тадбиркорлик субъектлари учун тартиб-таомилларни соддалаштириш ва махсус қулай режимлар тақдим этишни назарда тутувчи аниқ чора-тадбирлар бўйича таклифларни киритсин.

26. Адлия вазирлиги "Тараққиёт стратегияси" маркази ва "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати билан биргаликда:

Давлат дастури амалга оширилишининг боришини тизимли мониторинг қилиш, уни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун қўшимча чоралар кўриш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ахборотни **ҳар ойда** умумлаштириш ҳамда якунларини аниқ кўрсаткичлар ва эришилган ижобий ўзгаришларни, таҳлилий ахборот кўринишида акс эттирган ҳолда, ўз веб-сайтларида жойлаштириш;

мониторинг натижалари тўғрисидаги ахборотни **ҳар ойда** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

Давлат дастурини амалга ошириш якунларига бағишланган ахборот-таҳлилий шарҳларни тайёрлаш, уларни хорижий тилларда эълон қилиш ва кенг тарқатишни таъминласин.

27. Олий Мажлис палаталари ва Вазирлар Маҳкамасининг Давлат дастурининг изчил ва ўз вақтида ижросини назорат қилишни қуйидаги тартибда амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари ўз ҳудудларида Давлат дастурини амалга ошириш бўйича **ўн кун муддатда** чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади ва **ҳар ойда** ўз мажлисларида муҳокама қилиб боради;

Вазирлар Маҳкамаси **ҳар ойда** Давлат дастури бажарилишини Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ҳузурида танқидий кўриб чиқади, **ҳар чоракда** Ҳукумат Раёсатида муҳокама қилиб боради ҳамда ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаган тадбирлар юзасидан масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларига нисбатан тегишли чоралар кўради;

Олий Мажлис палаталари **ҳар чоракда** Бош вазир ва Ҳукумат аъзоларининг Давлат дастури бажарилиши юзасидан ахборотларини эшитиб боради ҳамда бу борада вазирлик ва идоралар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Адлия вазирлиги ва Ҳисоб палатаси билан биргаликда **ҳар ойда** Давлат дастури бажарилишини назорат қилиб боради ҳамда унинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини таъминлаш чораларини кўради.

28. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига Халқаро пресс-клуб билан ҳамкорликда:

ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида кенг тушунтирилишини;

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги холис ва тўлиқ маълумотнинг кенг жамоатчиликка тезкорлик билан етказилишини таъминлаш тавсия этилсин.

29. Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

30. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри, 2021 йил 3 февраль*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БИЛИМ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ТИЗИМИ ҲАМДА ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

2.Концепция доирасида қишлоқ хўжалиги тармоқларида таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги субъектларига замонавий агрохизматлар кўрсатишнинг узвий тизимини ўзаро боғлайдиган Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида **Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази** (кейинги ўринларда – Миллий марказ) ташкил этилсин ва у қуйидаги йўналишларда фаолият юритишга масъул этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалиги соҳасида **таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш**нинг узвий интеграциясини таъминлаш;

фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги кластерлари ва кооперациялари ҳамда илғор хорижий илмий-тадқиқот муассасалари билан манфаатли илмий-ишлаб чиқариш ҳамкорлигини йўлга қўйиш, янги илмий ишланмалар, инновациялар ҳамда **рақамли технологияларни жорий этиш;**

барча турдаги давлат илмий ва олий таълим муассасаларининг қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга ошириладиган **илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш;**

қишлоқ хўжалиги тармоқларининг малакали мутахассисларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда **кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш;**

қишлоқ хўжалиги соҳасида **фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни амалга ошириш,** олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, илғор тажриба ва замонавий технологиялар асосида уларнинг малакасини ошириш;

қишлоқ хўжалигида хусусий секторни кенг жалб этган ҳолда билим, малака ва кўникмаларнинг самарали алмашинуви ҳамда узатилишини таъминлайдиган **миллий ахборот ва маслаҳат хизматлари тармоғини ривожлантириш;**

**халқаро сифат стандартларини жорий қилишда кўмаклашиш,** маҳсулот етиштирувчилар ва агробизнеснинг ўзаро ҳамкорлик платформасини ташкил этиш.

3.**Қишлоқ хўжалиги соҳасида таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий интеграциясини таъминлаш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш** (кейинги ўринларда – Мувофиқлаштирувчи кенгаш) ташкил этилсин ва унинг таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш (Ш.М.Ғаниев):

қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳамда унинг тармоқлари бўйича илмий изланишлар олиб бораётган ва кадрлар тайёрлаётган барча турдаги давлат илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг **ўзаро ҳамкорлигини таъминласин;**

қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини самарали ташкил этсин;

қишлоқ хўжалиги соҳасидаги талаб ва илғор хорижий тажрибалар асосида олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида Давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурларининг тизимли равишда такомиллаштирилишини таъминласин;

қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот муассасаларининг **йиллик иш режасини** ҳамда **улар фаолияти самарадорлигини баҳолаш** индикаторларини тасдиқласин;

қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш, илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, ишлаб чиқариш муаммоларига илм-фан орқали ечим топиш мақсадида соҳадаги **илмий-тадқиқот муассасалари ва қишлоқ хўжалиги кластерлари ўртасида келишувлар тузиш амалиётини** йўлга қўйсин.

Илмий-тадқиқот институтларига бириктирилаётган вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари рўйхати 3-иловага мувофиқ маъқуллансин.

4.Белгилансинки:

Миллий марказ Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади;

Миллий марказ ўз тизимидаги илмий-тадқиқот муассасаси фаолиятига бевосита **раҳбарлик қилади,** чорвачилик йўналишлари, ўрмон ва сув хўжалиги, ипакчилик соҳаларида фаолият юритувчи илмий-тадқиқот муассасалари билан **ҳамкорликдаги фаолиятни йўлга қўяди,** қишлоқ хўжалиги соҳасидаги олий ва профессионал таълим муассасаларининг илмий ва инновацион фаолиятини мувофиқлаштиради;

Миллий марказ Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази, "Агроинновация" ДУК, "Ғўза уруғчилиги маркази" негизида ташкил этилади.

5.2021 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий тадқиқотлар ва инновацион ишларга буюртмаларни шакллантириш ва молиялаштиришнинг қуйидаги тартиби жорий этилсин:

а)Мувофиқлаштирувчи кенгаш **2021 йил 1 апрелга қадар Қишлоқ хўжалигининг устувор йўналишлари, глобал, минтақавий ва ҳудудий муаммоларнинг илмий ечимларини тадқиқ қилиш бўйича кейинги беш йилга мўлжалланган дастурни** (кейинги ўринларда – беш йиллик дастур) ишлаб чиқади ва эълон қилади.

Беш йиллик дастур қишлоқ хўжалиги соҳасидаги идоралар, уюшмалар ва бошқа ташкилотлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, илмий-тадқиқот муассасалари, қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи субъектлар, жумладан, агросаноат кластерлари, кооперациялар, фермер ва деҳқон хўжаликларининг таклифлари асосида шакллантирилади;

б)беш йиллик дастурда назарда тутилган йўналишлар қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий лойиҳалар бўйича давлат буюртмаларини шакллантириш учун Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этилади;

в)беш йиллик дастурда назарда тутилган, шунингдек, қишлоқ хўжалиги субъектлари томонидан таклиф этилган ва бюджетдан молиялаштирилмаган ёки тўлиқ молиялаштирилмаган лойиҳаларни ҳамда бошқа вазифаларни амалга ошириш мақсадида, Миллий марказ ҳузурида **Қишлоқ хўжалигида билим ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилади.

Жамғарма маблағлари республика бюджети, маҳаллий бюджет даромадларининг прогноздан ошириб бажарилган қисми, вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, ҳомийлик хайриялари, халқаро ва хорижий ташкилотларнинг грантлари, илмий тадқиқот ишларини молиялаштириш ва уларнинг якуний натижасидан фойдаланиш истагини билдирган қишлоқ хўжалиги субъектлари ва бошқа шахсларнинг маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

Жамғарма маблағларини бошқариш Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи органи – **Миллий марказ** томонидан амалга оширилади.

Илмий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларнинг бюджет маблағлари ҳамда Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши уларни молиялаштириш учун бошқа маблағларни тўғридан-тўғри жалб қилишни истисно қилмайди.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Қишлоқ хўжалигида билим ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

6.Қуйидагилар:

2021-2022 йилларда Миллий марказнинг **Республика агрохизматлар маркази, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар агрохизматлар марказлари** (кейинги ўринларда – ҳудудий агрохизматлар марказлари);

2022 йилдан бошлаб босқичма-босқич қишлоқ туманларида Миллий марказнинг **туман агрохизматлар марказлари** (кейинги ўринларда – туман агрохизматлар марказлари) ташкил этилсин.

7.Белгилансинки:

а)Республика агрохизматлар маркази, ҳудудий ва туман агрохизматлар марказлари:

Жаҳон банкининг "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш" лойиҳаси доирасида ажратиладиган маблағларни жалб этган ҳолда ёки **давлат-хусусий шериклик шартлари асосида** ташкил этилади;

ўз фаолиятини ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш тизими асосида амалга оширади;

б)ҳудудий агрохизматлар марказлари Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш марказининг ҳудудий бўлинмалари негизида ташкил этилади;

в)Республика агрохизматлар маркази, ҳудудий ва туман **агрохизматлар марказлари ўз фаолиятини қуйидаги йўналишларда** ташкил этади:

ҳудудларнинг узоқ муддатли ривожланиш тенденциялари ва инсон капитали бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда соҳада кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш;

хорижий тажриба асосида қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият олиб бораётган кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

ҳудуднинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши эҳтиёжларидан келиб чиқиб илмий ташкилотларга тайёр илмий ишланмалар ва тегишли илмий маслаҳатларга буюртмаларни шакллантириш;

қишлоқ хўжалиги соҳаларининг долзарб йўналишлари бўйича тайёрланган илмий ишланмаларни ҳудудлар шароитига мослаштириш йўналишидаги тадқиқотларни амалга ошириш, унинг натижаларини бевосита қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи субъектларга етказиш;

ҳудудлар аграр соҳаси асосий ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда халқаро тажрибалар ҳамда илмий фаолият натижаларини тижоратлаштириш;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги барча хизматларни "ягона дарча" тамойили асосида амалга ошириш;

қишлоқ хўжалиги субъектларига бевосита ва онлайн ҳамда "call-марказ" орқали хизмат кўрсатиш.

8.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги "Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4803-сон қарорига асосан қишлоқ хўжалигида давлат бошқаруви ва илмий-тадқиқот институтларини трансформация қилишга Жаҳон банкининг 160 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлари йўналтирилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, мазкур маблағлар Миллий марказ, унинг тизимидаги муассасалар ҳамда агрохизматлар марказлари фаолиятини ташкил этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа мутахассислари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, қайта тайёрлаш ва лойиҳада назарда тутилган бошқа тадбирларга йўналтирилади.

9.2021 йил 1 мартдан бошлаб, тажриба тариқасида, Миллий марказ тизимидаги илмий-тадқиқот муассасаларида тадбиркорлик субъектларини жалб этган ҳолда **кичик илмий-инновацион корхоналар** ташкил этишга рухсат берилсин, бунда:

**а)илмий-тадқиқот муассасаси:**

ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги экинларининг **илмий асосланган ҳолда экилишини** ташкил этади;

қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғчилик ва селекциясини йўлга қўяди, **янги нав ва дурагайларни яратади;**

ўсимликларни зараркунандалардан асраш, тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича **илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқади;**

**б)тадбиркорлик субъектлари:**

илмий-тадқиқот муассасасининг янги нав ва дурагайларни яратиш бўйича фаолиятини **молиявий таъминлашга кўмаклашади** ҳамда **унинг натижаларини тижоратлаштириш** чораларини кўради;

ички ва ташқи бозор талабларидан келиб чиқиб, **экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш**ни йўлга қўяди ва уни оммалаштиради;

янги ички ва ташқи **бозорларни топиш,** халқаро стандартларга мос келувчи **лабораториялар,** уруғликни **сақлаш, саралаш, қадоқлаш** ва мева-сабзавотни **қайта ишлаш ускуналарини** харид қилишга кўмаклашади;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саралаш, қадоқлаш, **миллий бренд асосида экспорт қилиш** чораларини кўради;

в)фойда солиғи бўйича жами даромадни аниқлашда тадбиркорлик субъектлари – солиқ тўловчиларнинг илмий тадқиқотларга ва (ёки) тажриба-конструкторлик ишланмаларига доир харажатлари, амортизация қилинадиган активларни олишга оид харажатлардан ташқари, тегишли илмий тадқиқотлар ва (ёки) тажриба конструкторлик ишланмаларининг натижасидан қатъи назар, Солиқ кодексида назарда тутилган тартибда бундай тадқиқотлар ва ишланмалар (хизматларнинг алоҳида босқичлари) тугалланган ва (ёки) қабул қилиш-топшириш далолатномасини тарафлар имзолаганидан кейин чегириб ташланади.

10.Белгилансинки, 2021 йил 1 февралдан бошлаб Миллий марказ, мазкур фармонга 4-иловада кўрсатилган илмий-тадқиқот институтлари ҳамда улар тизимига кирувчи илмий-тажриба станциялари ва участкаларининг (кейинги ўринларда – илмий-тадқиқот муассасалари) бино ва иншоотларини сақлаш, шунингдек, уларнинг ходимлари (илмий ходимлардан ташқари) меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш **Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан** амалга оширилади, бунда:

Миллий марказнинг бошқарув аппарати ходимларига Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппарати ҳамда агрохизматлар марказлари ходимларига вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари мос равишда қўлланилади;

Илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари бюджет маблағлари ҳисобидан фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошларига тенглаштирилади;

Миллий марказ, илмий-тадқиқот муассасаларининг бошқа харажатларини молиялаштириш уларнинг илмий, ишлаб чиқариш, илмий тадқиқот ишлари натижаларини тижоратлаштириш ва хизмат кўрсатиш фаолиятидан тушадиган маблағлар, хорижий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари, ҳомийлик хайриялари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

11.Миллий марказ ва илмий-тадқиқот муассасаларига бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан шаклланадиган маблағларни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқи берилсин, бунда ушбу ташкилотлар:

бюджетдан ташқари маблағларни бошқариш учун тижорат банкларида ҳисоб рақами очиши ва ундаги маблағлардан мустақил фойдаланиши мумкин (бюджет ташкилотларининг ғазна ҳисоб рақамларидан фойдаланишга доир талаблар ушбу маблағлардан фойдаланишга нисбатан татбиқ этилмайди);

юқори малакали мутахассисларни шартнома асосида жалб этади, ходимларга устамалар ва моддий рағбатлантиришнинг бошқа турлари миқдорларини мустақил белгилайди;

сақлаш харажатлари, вазифа ва мажбуриятларни бажариш, ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, дастурий таъминотлар, замонавий ахборот-коммуникация воситалари, илмий лабораториялар учун маблағларни мустақил сарфлайди.

12.Бош вазир ўринбосари Ш.М.Ғаниев:

**бир ҳафта муддатда** мазкур фармонда назарда тутилган вазифаларни ижрочилар ва ҳудудлар кесимида тасдиқласин ҳамда ижрога қаратсин;

**икки ҳафта муддатда** қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизимини 2021-2025 йилларда устувор ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин.

13.Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонун ҳужжатларига ушбу фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14.Адлия вазирлиги мазкур фармоннинг ижрочиларга етказилишини, унинг мазмун-моҳияти тегишлилиги бўйича давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг ҳудудий бўлинмалари, аҳолига тушунтирилишини ҳамда ижрога қаратилишини таъминласин.

15.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5812-сон фармонига 5-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16.Мазкур фармоннинг ижросини ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ш.М.Ғаниев, қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Фармоннинг ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2021 йил 1 июль ва 30 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри, 2021 йил 3 февраль*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БИЛИМ ВА ИННОВАЦИЯЛАР МИЛЛИЙ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Ғаллаорол илмий-тажриба станцияси негизида **Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институтини;**

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Қашқадарё филиали негизида **Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институтини;**

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Қорақалпоғистон илмий-тажриба станцияси ва Шоличилик илмий-тадқиқот институтининг Қорақалпоғистон илмий-тажриба станцияси негизида **Дон ва шоли илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасини ташкил этиш;**

б)қуйидагилар:

Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги **Академик М.Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти;**

"Ўзагрокимёҳимоя" акциядорлик жамиятининг **"Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти" масъулияти чекланган жамиятини** белгиланган тартибда давлат муассасаси шаклида қайта ташкил этган ҳолда Миллий марказ тизимига ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2.Қуйидагилар:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг ташкилий тузилмаси **1-иловага** мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази бошқарув аппаратининг тузилмаси **2-иловага** мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардаги ахборот ва маслаҳат тизими асосида иш юритадиган ҳудудий агрохизматлар марказлари (кейинги ўринларда – **ҳудудий агрохизматлар марказлари**) намунавий тузилмаси **3-иловага** мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда ташкил этиладиган ҳудудий агрохизматлар марказлари жойлашув манзиллари рўйхати **4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Қишлоқ хўжалиги вазирига, зарур ҳолларда, Миллий марказ, унинг таркибидаги илмий-тадқиқот муассасалари ва агрохизматлар марказларининг тузилмасига ходимларнинг чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қўшимча штат бирликларини киритиш ҳуқуқи берилсин.

3.Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Х.Тошқулов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) ушбу қарорга 4-иловада кўрсатилган таълим муассасаларининг ҳудудий агрохизматлар марказларига ўтказилаётган бино-иншоотлари ҳамда мол-мулклари, уларнинг фаолиятини таъминлашга етарли қисмини белгиланган тартибда оператив бошқарув ҳуқуқи билан, шунингдек, ер участкаларини доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ўтказилишини таъминласин.

4.Белгилансинки:

а)Миллий марказга қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари – Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази бош директори раҳбарлик қилади;

б)Миллий марказнинг қўшимча **11 нафар** ҳамда ҳудудий агрохизматлар марказларининг қўшимча **119 нафар** бошқарув ходимлари штат бирликлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилотларнинг мавжуд штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобига шакллантирилади;

в)Миллий марказ ва ҳудудий агрохизматлар марказлари қишлоқ хўжалигида билим ва инновацияларни, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини жорий этиш соҳасида ваколатли орган ҳисобланади ҳамда юридик шахс мақомига, ўз балансига, Ўзбекистон Республикаси ғазначилигида шахсий ғазна ҳисобварақларига, Давлат герби тасвирланган муҳрига эга бўлади;

г)Миллий марказ Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги "Агроинновация" давлат унитар корхонаси ва Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги "Ғўза уруғчилиги маркази" давлат муассасасининг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

д)Миллий марказ тизимидаги илмий-тадқиқот институтлари ва илмий-тажриба станциялари юридик шахс мақомига эга давлат муассасалари бўлиб:

Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиалининг;

Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станциясининг;

Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти "Ўзагрокимёҳимоя" акциядорлик жамияти ҳузуридаги "Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти" масъулияти чекланган жамиятининг;

Дон ва шоли илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон илмий-тажриба станциясининг ҳамда Шоличилик илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон илмий-тажриба станциясининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий ворислари ҳисобланади;

е)ҳудудий агрохизматлар марказлари биносига жойлаштирилган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ҳудудий бўлинмаларининг мутахассислари фаолияти ҳудудий агрохизматлар марказлари томонидан мувофиқлаштирилади;

ж)қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот институтлари, муассасалари, илмий-тажриба станциялари ва участкалари (кейинги ўринларда – илмий-тадқиқот муассасалари), олий таълим муассасалари ҳамда Миллий марказ ва ҳудудий агрохизматлар марказлари:

ер участкаларини мақбуллаштириш, олиб қўйиш ва уларнинг ихтисослашувига мос бўлмаган экинларни жойлаштиришга;

илмий ходимларини уларнинг фаолиятига хос бўлмаган бошқа ишларга жалб этишга йўл қўйилмайди.

5.Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ж.Ортиқов) "Ўзагрокимёҳимоя" АЖ устав капиталидаги давлат улуши Миллий марказ тизимига ўтказилаётган "Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти" масъулияти чекланган жамияти устав капиталидаги "Ўзагрокимёҳимоя" АЖ улушининг баланс қиймати ҳисобига камайтирилишини таъминласин.

6.Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а)ҳудудий агрохизматлар марказлари фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида, уларда хизмат кўрсатишни ташкил этиш учун ойлик маоши ва устамаларни сақлаб қолган ҳолда агросаноат соҳасига хизмат кўрсатувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари мутахассислари жалб этилади;

б)фан ва таълимнинг узвий интеграциясини таъминлаш мақсадида:

тажриба-синов тариқасида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасаларининг кафедра мудирлари бир вақтнинг ўзида тегишли таълим йўналиши бўйича илмий-тадқиқот институтлари директорларининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича ўринбосари ҳисобланади;

олий таълим муассасалари кафедра мудирларига ҳамда илмий-тадқиқот институти директорининг илмий ишлар ва инновацион ишланмалар бўйича ўринбосарига таълим жараёнини илм-фан билан интеграция қилган ҳолда ташкил этиш вазифаси юклатилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги икки ҳафта муддатда мазкур бандга асосан тажриба-синов ўтказиладиган олий таълим муассасалари кафедралари ва илмий-тадқиқот институтларини аниқласин ҳамда 2021 йил 1 декабрга қадар тажриба-синов натижалари юзасидан аниқ таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7.Қуйидагилар Миллий марказ ва ҳудудий агрохизматлар марказлари фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

белгиланган тартибда жалб этиладиган бюджетдан ташқари маблағлар, халқаро молия институтлари маблағлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

бўш турган бюджетдан ташқари маблағларни белгиланган тартибда тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Белгилаб қўйилсинки, Миллий марказ ва ҳудудий бўлинмалари ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот муассасаларини бюджет маблағлари ҳисобидан сақлаш харажатлари 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида идоравий мансублигига кўра тегишли вазирлик ва идораларга ажратиладиган маблағлар доирасида, 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

8.Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар:

ҳудудий агрохизматлар марказларини ташкил этишда давлат-хусусий шериклик механизмлари асосида хусусий секторнинг иштирокини;

ҳудудий агрохизматлар марказларида хизмат кўрсатишни ташкил этиш учун ойлик маош ва устамаларни сақлаб қолган ҳолда тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, хизмат кўрсатувчи банк, суғурта ва бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари мутахассислари жалб этилишини;

хусусий мулкчилик асосида юридик шахс мақомига эга бўлган ташкилотлар томонидан қишлоқ хўжалиги консалтинг хизматларини ташкил этиш бўйича ташкилий, молиявий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тадбирлари амалга оширилишини таъминласин.

9.Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев), Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ж.Ортиқов), Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (Ф.К.Умаров) ва Тошкент вилояти ҳокимлиги (Д.А.Хидоятов) белгиланган тартибда қуйидагиларни:

Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманининг А.Яссавий маҳалласи ҳудудида жойлашган Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги "Агроинновация" давлат унитар корхонасига тегишли барча мол-мулкларни оператив бошқарув ҳуқуқи билан ҳамда 10,7 гектар ер участкасини доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан Миллий марказга;

Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманининг А.Яссавий маҳалласи ҳудудида жойлашган Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги "Ғўза уруғчилиги маркази" давлат муассасасига тегишли бинони оператив бошқарув ҳуқуқи билан Миллий марказга ва 57,4 гектар ер участкасини доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан Миллий марказнинг Тошкент вилояти агрохизматлар марказига ўтказиб берсин.

10.Бош вазир ўринбосари Ш.М.Ғаниев, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

қайта ташкил этилаётган муассасаларнинг мол-мулки ва пул маблағларини оқилона тақсимлаш мақсадида уларни хатловдан ўтказишни;

мазкур қарорга мувофиқ қайта ташкил этилаётган муассасаларнинг моддий-техник базасини яратиш, улар ишини самарали ташкил этиш учун зарур бўлган компьютер техникаси, алоқа воситалари билан жиҳозлаш тадбирлари ташкил қилинишини;

қайта ташкил этилаётган муассасаларни, уларнинг ҳудудий бўлинмаларини жойлаштириш, шунингдек, улар фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этишни;

қайта ташкил этилаётган муассасаларнинг штат бирликларини таҳлил қилган ҳолда иш ҳажмидан келиб чиқиб, қайта тақсимланишини ҳамда уларни шаффоф тарзда ўтказиладиган танловлар асосида юқори малакали, замонавий билимга ва дунёқарашга эга кадрлар билан тўлдиришни таъминласин.

11.Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев):

**2021 йил 1 апрелга қадар** Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманида Республика агрохизматлар, ахборот маслаҳат (extension) марказини ташкил этиш чораларини кўрсин;

**2021 йил май ойидан** бошлаб ҳудудий агрохизматлар марказларини босқичма-босқич ташкил этсин;

**икки ҳафта муддатда** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппаратида Ўқув юртлари ва малака ошириш бўлими негизида **6 та штат бирлиги**дан иборат Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизимини ривожлантириш бошқармасини ташкил этсин. Бунда, қўшимча **3 та штат бирлиги** вазирлик тизимидаги мавжуд бошқарув ходимлари штат бирликларини қисқартириш ҳисобига шакллантирилади;

**бир ой муддатда** Миллий марказнинг аниқ ҳисоб-китобларига асосан унинг тизимидаги илмий муассасаларда ташкил этиладиган бирламчи лабораториялар, уруғликни сақлаш, қуритиш омборхоналарини барпо этиш, уларни қадоқлаш ва қайта ишлаш ускуналари билан жиҳозлашга "Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш" лойиҳаси доирасида маблағ ажратиш чораларини кўрсин;

**икки ой муддатда** Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Миллий марказ ва илмий-тадқиқот муассасаларининг тузилмаларини тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

**икки ой муддатда** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ҳамда унинг ҳудудий агрохизматлар марказлари тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

**икки ой муддатда** Инновацион ривожланиш вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Фанлар академияси билан биргаликда қишлоқ хўжалиги экинларининг нав муаллифлари ва оригинаторларини рағбатлантириш, уруғчилик ва кўчатчилик билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солиш, уруғлик ва кўчатларни сертификатлаш тизимини жорий этиш механизмини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

**2022 йил якунига қадар** Нидерландиянинг Вагенинген, Буюк Британиянинг Бангор ва бошқа хорижий етакчи илмий марказлар билан маслаҳатлар ўтказган ҳолда Миллий марказнинг юқори технологиялар асосидаги кўп тармоқли **Илмий-тадқиқот маркази**ни ташкил этсин. Бунда, Илмий-тадқиқот марказида замонавий юқори технологияли лаборатория, йўналишлар бўйича кўргазма майдончалари, ўсимликлар флораси миллий генбанки, илмий стратегик таҳлил маркази ташкил этилади ҳамда ҳар бир йўналиш бўйича халқаро маслаҳатчилар гуруҳи фаолияти йўлга қўйилади.

12."Эл-юрт умиди" жамғармаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси билан биргаликда **2021 йил 1 мартга қадар** илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий ходимлари ҳамда соҳа мутахассисларини, биринчи навбатда, қуйи тизимдагиларни "Эл-юрт умиди" жамғармаси ҳамда Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобига хорижий етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларига узоқ ва қисқа муддатли стажировка, малака ошириш ва ўқишга юбориш юзасидан 2021-2022 йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқласин ҳамда ижрога қаратсин.

13.Миллий марказ Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй манзилида жойлаштирилсин.

14.Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига **5-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

15.Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари **6-иловага** мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16.Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.А.Ходжаев), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ж.Хаджаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.К.Кўчимов) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

17.Мазкур қарорнинг ижросини ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ш.М.Ғаниев, қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев, қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари – Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази бош директори, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2021 йил 3 февраль*

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИНИНГ ЎН ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз, Президентимиз ташаббуси билан ҳудудларда мудофаа соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, армия ва халқнинг бирлигини таъминлаш мақсадида ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди. Бу борада белгилаб берилган вазифалар асосида ҳарбий-маъмурий сектори фаолиятини ривожлантириш ишлари ҳар йили босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2020 йилга белгиланган "Йўл харитаси" асосида ўтган йили 20 та объектда маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Шунингдек Мудофаа вазирлиги маблағи ҳисобидан 2 та объектда капитал таъмирлаш ишлари, шу билан бир қаторда, Шимоли-ғарбий ҳарбий округи ҳарбий хизматчилари ва Миллий гвардия ходимлари учун жами 90 квартирали 5 қаватли 3 та турар жой фойдаланишга топширилди.

2021 йил давомида Ҳарбий-маъмурий сектор фаолиятини ривожлантириш мақсадида 3 та бўлим 53 та банддан иборат "Йўл харитаси" ишлаб чиқилиб, Жўқорғи Кенгес қарори асосида тасдиқланди. Унда жорий йилда Шимоли-ғарбий ҳарбий округи, Миллий гвардия ва Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг бир қатор объектларида қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш режалаштирилган.

Жорий йилнинг 12 январь куни ўтказилган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан ҳарбий таълим тизимида бошланган ислоҳотларни узвий давом эттириш, олий ҳарбий билим юртлари, лицей ва коллежлар, жумладан, «Темурбеклар мактаби» ҳарбий академик лицейлари фаолиятини такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди. Шунингдек, уларда таълим олаётган ўқувчилар қалбида миллий ғоя, она-Ватанга меҳр ва садоқат, адолат туйғусини ҳар томонлама кучайтириш, Қуролли Кучларда яратилган замонавий инфратузилмадан фойдаланган ҳолда уюшмаган ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан бирга, меҳнат бозорида талаб қилинадиган касб-ҳунарга ўргатиш бўйича ишларни ташкил этиш сингари қатор муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Бугунги кунда ушбу топшириқларнинг ўз муддатида ва сифатли ижросини таъминлаш юзасидан соҳа раҳбарлари билан биргаликда тегишли тадбирлар ташкил қилинмоқда.

Шундан сўнг "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Қорақалпоғистон Республикаси Бош бошқармаси томонидан 2020 йил давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси бош бошқармаси бошлиғининг ҳисоботи тўғрисида"ги масала юзасидан бош бошқарма бошлиғи Б.Алланиязовнинг маърузаси тингланди.

Сессияда кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шунинг билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ўн тўртинчи сессияси ўз ишини якунлади.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси раиси Б.Алихановиштирок этди.

**Қорақалпоғистон ахборот агентлиги**

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА

*Воқеалар, янгиликлар, хабарлар*

## Тўрткўл туман Кенгаши сессияси бўлиб ўтди

**Тўрткўл тумани ҳокимлиги Ахборот хизматининг маълум қилишича, Халқ депутатлари Тўрткўл туман Кенгашининг XXI сессияси бўлиб ўтди.**

Сессияда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси Р.Мамутов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари, тумандаги корхона, ташкилотлар раҳбарлари, овул ва маҳалла фуқаролар йиғини раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Кун тартибидаги масалалар бўйича туман халқ таълими бўлими мудири Д.Атажанов, Тўрткўл туманлараро газ таъминоти бўлими бошлиғи А.Абдуллаев ва тиббиёт бирлашмаси бошлиғи З.Худайбергеновларнинг ҳисоботлари тингланди.

Шундан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси Р.Мамутов сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Сессия кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## Сайловчилар билан учрашув

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Б.Алдамуратов ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Б.Айтековлар Тахтакўпир туманидаги Мулк, Қонираткўл, Белтаў овул фуқаролар йиғинларида бўлиб, ўз сайловчилари билан учрашди.**

Учрашувда давлатимиз раҳбарининг парламентга йўллаган Мурожаатномасида белгиланган устувор вазифалар шунингдек, юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш мақсадида қабул қилинаётган фармон ва қарорлар хусусида батафсил тушунчалар берилди.

Учрашувда иштирокчилар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Шундан сўнг, депутатлар ҳududдаги мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда умумтаълим мактабларида бўлиб, у ерда яратилган шароитлар билан яқиндан танишди.

## Кросс мусобақаси ғолиблари аниқланди

**Тўрткўл тумани марказида кросс мусобақаси бўлиб ўтди.**

Мусобақанинг очилиш маросимида туман ҳокими Р.Шамуратов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Р.Мамутов сўзга чиқиб, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар хусусида тўхталишди.

Тўрткўл туман ҳокимлиги, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси туман Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган соғлом турмуш тарафдорлари иштирок этди.

Мусобақа якунида ғолиблар ва фаол иштирокчилар ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

## Оила муқаддас даргоҳ

**Мўйноқ тумани ҳокимлигида "Оила муносабатларини мустаҳкамлаш ва нуфузини янада ошириш" мавзусида хотин-қизлар билан учрашув ташкил этилди.**

Тадбирда оилаларни мустаҳкамлаш, ёш авлод тарбияси, оилавий муносабатлар, ота-онага ҳурмат, миллий қадриятларни янада асраб авайлаш каби масалалар юзасидан фикр юритилди.

— Учрашув жуда мазмунли бўлди, — дейди "Мўйноқ" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи Генжегул Тилеўмуратова. — Дарҳақиқат, аёл, она борки, оилаларимиз тинч-фаровон, ҳаётимиз гўзал ва саодатлидир. Ёш оилаларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиб, бахтли бўлишларида ёши катта онахонларнинг, кайвониларнинг ҳаётий тажрибаси, маслаҳатлари муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда хотин-қизларнинг ўзини ўзи банд қилиш, оила даромадини юксалтириш, жамиятда муносиб меҳнат ва турмуш шароитларини яратиб бериш борасида тушунчалар берилди.

## Кам таъминланган оилалар эътиборда

**Бугунги кунда аҳоли муаммоларини ўрганиш ва уларни бартараф этиш борасида амалий чоралар кўрилмоқда.**

Нукус шаҳридаги "Жеке терек" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Гўзаллар" ҳамда "Доналар" кўчаларида истиқомат қилувчи аҳоли газ босими пастлиги сабабли газ тақсимлаш ускунасини янгисига алмаштириб беришларини сўраб Нукус шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилишди.

Мазкур мурожаат ҳудуд сектори ҳамда тегишли мутасаддилар томонидан ўрганиб чиқилиб, натижада янгидан РДБК-1-25 русумли газ тақсимлаш ускунаси ўрнатилди.

Шунингдек, ҳудудда яшовчи кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга тадбиркорлар томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

**Қорақалпоғистон ахборот агентлиги материаллари асосида тайёрланди.**

Ҳазрат Алишер Навоий 580 ёшда

# НАВОИЙ – ЯНГИ ДАВР ОЛАМИДА

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Мазкур Фонднинг асосий вазифалари этиб Алишер Навоий ҳаёти, юксак инсонпарварлик ғоялари ва илмий-адабий меросини юртимизда ва халқаро миқёсда кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш, Алишер Навоий асарларини хорижий тилларга таржима қилиш, мукаммал илмий нашрларини яратиш, уларни республикада ва чет элларда нашр этиш, Алишер Навоийнинг илмий-адабий меросини тадқиқ этаётган адиб ва олимлар фаолиятига кўмаклашиш, улар яратган илмий ва бадиий асарларни жамлаш, шоир ижодини ўрганаётган, жумладан хорижий давлатлардаги илмий-ижодий марказлар билан ҳамкорлик қилиш, ҳар йили Алишер Навоий туғилган сана – 9 февраль куни халқаро конференция (симпозиум) ва "Навоийхонлик кунлари"ни ташкил этиш ва ўтказиш каби масалалар белгиланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда юртимизда Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди ташкил этилаётгани, Алишер Навоий ордени таъсис этилиши, хорижий давлатларда сақланаётган Алишер Навоий қаламига мансуб ва у яшаган даврга оид қўлёзмаларнинг факсимиле нусхалари мамлакатга олиб келиниши маънавиятимизни бойитишга ёрдам бермоқда.

Шунингдек, Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий меросини чуқурроқ ўрганиш ва тадқиқ этиш бўйича олиб борилаётган илмий ишларга давлат буюртмаси асосида танловлар эълон қилинмоқда.

2021 йил охирига қадар Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Алишер Навоий асарлари ҳамда навоийшунослик фани бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг электрон платформаси яратилади.

2021 йил ноябрь ойининг биринчи ўн кунлигида Навоий шаҳрида«Алишер Навоий ижодий меросининг башарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ташкил этилади.

Бундан ташқари, шу кунларда умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида«Навоий ворислари» мавзусида ғазалхонлик танлови, Президент мактаби, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчилари ўртасида«Навоийни англаш»мавзусида иншолар танловлари ўтказилмоқда.

Президентимиз қарорида «Ўзбеккино» миллий агентлигига 2021 йил давомида Алишер Навоий асарлари асосида бадиий ва мультипликацион фильмлар, шоир ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ янги маълумотлар ва манбалар асосида тўлиқ метражли бадиий-публицистик фильм яратиш белгиланган бўлиб, бу соҳадаги ишлар ҳам бошлаб юборилган.

Шунингдек, чет элда истиқомат қилаётган ўзбек тили мутахассислари, таржимонларни жалб этган ҳолда Алишер Навоийнинг асарларини чет тилларга таржима қилиб,китоблар тақдимотлари ўтказилишига ҳам тайёргарликлар кўрилмоқда.

Шу кунларда биз Ҳазрат Навоийни янгиланган Ўзбекистоннинг янги давр оламида, янгидан кашф этмоқдамиз. Айниқса, кейинги уч-тўрт йил давомида мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларнинг инсон манфаатларига қаратилаётгани фикримиз далилидир. Негаки, А.Навоий ўз ижоди ва фаолияти давомида ўз халқи ва Ватани учун қолдирган бой адабий ва маънавий меросининг бош бўғини инсонга меҳр, Ватанга садоқат ва халқига бўлган чексиз муҳаббат бўлганлигини унинг ижоди ва меҳнат фаолияти орқали тўлиқ англаяпмиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мажлисларда, учрашувларда алоҳида эҳтиром ва ҳурмат билан ёдга оладиган мисраларига эътибор берайлик:

**Одами эрсанг, демагил одами,**
**Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.**

Юртимиздаги барча ислоҳотлар, фармон ва қарорлар, тадбиркорлик, инновациялар йўлида амалга оширилаётган ишлар маҳаллалар фаолиятини такомиллаштириш, ҳар бир фуқарога алоҳида эътибор шу мисралар ғояси билан ҳамоҳангдир.

Шу нарсани мамнуният билан айтиш жоизки, Алишер Навоий ёзган барча асарларни мустақиллик даврига келиб тўлиқ ўқишга муяссар бўлдик. Айниқса, унинг 20 жилдлик асарлари нашр қилиниши Алишер Навоийни ўрганиш, унинг ҳикматларини ҳаётга теран ҳамда таъсирчан сингдирилиши замонамиз, инсон маънавияти юксалишида ёрқин акс этмоқда.

Бугунги куннинг ўткир ва глобал муаммоларига жавоб топишда айнан Навоий асарларининг моҳияти катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Улуғ бобомиз нафақат ижодкор, балки халқ дарди билан яшаганлиги ҳар бир инсонга жонкуяр бўлганлиги Ҳазрат Навоий ташаббуси билан қурилган "Ихлосия" ва "Низомия" мадрасалари, "Шифоия" тиббийгоҳи, ўнлаб кўприклар, работлар қуриб бергани, юзюзлаб илм толибларини моддий мадад, озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаб тургани бугунги кунда давлатимиз раҳбари олиб бораётган халқчил сиёсатга ҳамоҳанг эканлигини кўриб турибмиз.

"Лисон ут-тайр"даги Симурғ тимсоли, буюк "Хамса"дан тортиб, бошқа барча асарларидаги дину диёнат ва дунёвий мақсадларга уйғун гуманизм ва юксак ахлоқни тараннум этувчи ғоялари, "Ҳайрат ул-аброр"даги инсон ва яшамоқ моҳиятининг юксак фалсафий ғояси, ўз давридаги дардли муаммоларнинг бадиий ечимлари бизнинг замонимиз учун ҳам хизмат қилаётгани фикримизнинг далилидир.

## ВАТАН КЎКСИДАГИ ҲИКМАТ НАВОИЙ

Янграр юртим узра тарих садоси,
Шеър мулкининг олтин, мумтоз навоси,
Меҳру-муҳаббатнинг тенгсиз вафоси.
Ғазаллар султони ҳазрат Навоий,
Ватан кўксидаги ҳикмат Навоий.

Бугун юртим дунё остонасидир.
Кўнглингиз шеърият кошонасидир,
Ҳар сатр сўз мулкин дурдонасидир.
Ғазаллар султони ҳазрат Навоий,
Ватан кўксидаги ҳикмат Навоий.

Қуёшдай тафтингиз ойдин тонгларда,
Сатрлар нурланар дилда, онгларда,
Учинчи РЕНЕССАНС кирган онларда.
Сизни улуғлаймиз ҳазрат Навоий,
Ватан кўксидаги ҳикмат Навоий.

Йиллар асрларга бериб турар жон,
Беш юз саксон ёшда сиз хуш навқирон,
Муборакбод этар ҳур Ўзбекистон.
Ғазаллар султони Ҳазрат Навоий,
Ватан кўксидаги ҳикмат Навоий.

**Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА,**
**«Қорақалпоқ адабиёти» газетаси**
**Бош муҳаррири,**
**Сенатор.**

# ТУРКИЙ АДАБИЁТ ДАРҒАЛАРИНИНГ УСТОЗИ



***Алишер Навоий барча туркий тилли халқлар ва туркий адабиётларнинг фахрига айланган, бир неча асрлардан бери асарлари жаҳон аҳлини ҳам ҳайратга солиб келаётган беназр сўз санъаткоридир.***

Алишер Навоий туркман адабиётида ҳам ҳурмат билан тилга олинадиган улуғ сиймолардан бири. Навоийнинг Марвда бўлганлиги, у ердаги "Хисравия" мадрасаси бевосита шоир ташаббуси билан қурилгани борасида Хондамир "Макорим ул – ахлоқ" китобида маълумот беради. Шоирнинг "Ҳазойин ул – маоний" девони ва "Мажолис ун нафоис" тазкирасида Марв, туркман шоирлари тўғрисида баъзи маълумотлар учрайди.

Навоийнинг Ироқ султони ва шоир, туркман Ёқуббек билан дўстона муносабатларини далиллайдиган илмий манбаларга ҳам эгамиз.

Алишер Навоий мероси туркман шоирлари учун ўқиш, ўрганиш, тажриба орттириб, маҳоратини чиниқтириш мактаби вазифасини ўтади. XVI–XVII асрлардан бошлаб шоир анъаналарига эргашувчилар, навоийёна услубда ижод қилишга интилувчилар адабиёт майдонига кириб келади. Масалан, XVI асрнинг ўрталари ва XVII асрнинг бошларида яшаб ижод этган туркман олими, шоир ва рассом Авшар Содиқий "Мажолис ун нафоис" тазкираси таъсирида "Мажме ул – ҳавас" деган тазкира яратган. Тазкирада форс, араб ва туркий тилда ижод қилган 332 шоир ҳақида маълумот келтиради. Тазкира муқаддима, саккиз бўлим ва хотимадан иборат. У барча хусусиятлари билан "Мажолис ун нафоис"ни эслатади. Содиқий тазкиранинг муқаддимасида ўзигача тазкира ёзган ижодкорларни тилга олади. Навоийга уч байт ғазал бағишлаб, улуғ шоирга эҳтиромини билдиради. "Мажме ул ҳавас"ни бевосита "Мажолис ун нафоис" таъсирида ёзганини ҳам қайд этади.

XVIII – XIX асрлар туркман адабиётида Алишер Навоий меросига қизиқиш, ижодининг етакчи ғояларини янги тарихий шароитга мослаштириб ривожлантиришга мойиллик ҳар қачонгидан кучаяди. Озодий ва Андалиб, Махтумқули ва Камина, Мулланафас ва Зелилий, Шохбанди ва Сейидий, Зинҳорий ва Ғойибий, яна ўнлаб туркман шоирлари Шарқ адабиётининг буюк мутафаккирлари қаторида Алишер Навоийни ҳам ўзларига устоз санаган. Шоир меросига ижодий ёндашиб, индивидуал услубда қалам тебратишган. Давлатмамад Озодий шундай талант соҳибларидан бири. У Махтумқулининг отаси. Ўғлининг истеъдодли шоир бўлиб етишишида алоҳида роли бор мураббий – устоз. Озодий XVIII аср туркман адабиётида бир неча достонлари, ғазаллари билан танилди. Айниқса, олти минг мисрадан иборат "Ваъзи Озодий" достони шоирга шуҳрат келтирди. У жанри бўйича фалсафий-дидактик достон. Асар Шарқ мумтоз адабиёти, хусусан, Фирдавсий, Низомий, Саъдий, Жомий, Навоий анъаналари руҳида ёзилган. Достонда Алишер Навоийнинг достончиликдаги тажрибаси, хусусан, "Ҳайрат ул- аброр"нинг таъсири кўпроқ сезилади. Навоий достонидаги илм ва илм аҳли, адолатли ва адолатсиз подшолар, саҳийлик, камтаринлик ва меҳнатсеварлик каби ғояларнинг ҳикоят ва ривоятлар либосида, афсонавий образларда берилган.

Махтумқули туркман адабиётига беқиёс ҳисса қўшган, тараққиётнинг янги давонига олиб чиққан, жаҳон адабиётида ҳам нуфузи юқори донишманд шоирлардан бири. Унинг шундай юксак обрў – эътиборга эга бўлишида ўз миллий адабиёти чашмалари билан бирга, дунё адабиёти, энг аввало, Шарқ мумтоз адабиётининг ҳиссаси ҳам салмоқли. Шоирнинг "Бўлсам" радифли шеърида Умар Ҳайём, Фирдавсий, Низомий, Ҳофиз, Румий, Саъдий, Навоий каби шоирларнинг номини, баъзи асарларини тилга олгани салафлари ижодига мафтунлик ифодасидир. У ўзини "Устоз Навоий этагидан тутган" шогирд ўрнида кўради. Шоирнинг "Чор девон", "Фарҳод ва Ширин"асарларини юксак ижод намунаси тарзида эътироф этади. Навоий ижодига худди "Мажнун Лайлига ошиқ бўлгандек, ошиқ бўлишни" хоҳлайди. Махтумқулининг бошқа шеърларида ҳам Навоий номи, асарлари, яратган образлари учрайди.

Навоий ғазалларига ёзган назиралари, мухаммасларида бу ижодий таъсир акс садо бериб туради. Масалан, шоирнинг "Кўнгил", "Қоши ёй", "Тўғриси", "Эй, дўст", "Керакмас", "Айлади" ғазаллари поэтикаси, ифода усули Навоийга жуда яқин.

Маълумки, Махтумқули лирикасида дидактик мотивлар етакчи. Афоризмларга айланиб кетган шеърлари бисёр. Шоир Шарқ фалсафаси, шарқона одоб – ахлоққа хос таълим – тарбия йўналишида ижод қилишда ҳам Шарқ адабиёти илғор тажрибаларидан сабоқ олди. Чунончи, Навоийнинг таълимий мазмундаги ҳикматли сўзлари Махтумқули учун насиҳат шеърлар битишда бадиий шакл вазифасини ўтаган.

Туркий шеърият осмонининг сўнмас қуёши – Алишер Навоий ва Махтумқули Фироғий тимсолида адабиётларимиз ҳамкорлиги, халқларимиз дўстлигининг янги заминдаги амалий ифодасини ҳам кўрамиз, фахрланамиз.

Ҳа, Алишер Навоий ва Махтумқули Фироғий истиқлол йилларида ўзбек ва туркман адабиётларини бир-бирига яқинлаштиришнинг, ўлмас асарлари орқали қардош, тақдирдош туркман ва ўзбек халқларининг азалий дўстлигига хизмат қилишнинг буюк тимсолига айланди.

**Феруза САПАЕВА,**
**Нукус ДПИ Ўзбек адабиёти кафедраси доценти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори.**

# БАРЧАСИНИ ГАРЧИ ЛАТИФ АЙЛАДИНГ БАРЧАДИН ИНСОННИ ШАРИФ АЙЛАДИНГ

***Инсоннинг ахлоқий фазилатлари Шарқ шоирларининг ҳамиша диққат марказида турганига шубҳа йўқ. Чунки, улар адабиётни тарбия воситаси деб билишган. Ахлоқий мавзудаги адабиёт–пандномалардан ташқари, бадиий юксак достонлар, насрий асарларда ҳам "маъвиза", яъни ўгит-насиҳатлар характеридаги қисмлар бўлганлиги адабиётнинг "адаб" сўзидан олинганлигини асослайди. Инсон одоби, онги, илму амали туфайли барча махлуқотларнинг афзали, шарифи деб таърифланиши туркий адабиётда Навоий даҳоси билан бошланади. Чорак кам олти асрдирки, Алишер Навоий халқ фахри, тилимизнинг байроқдори, шеърият мулкининг султони, маданият ва маънавиятимизнинг порлоқ қуёши бўлиб келаётир.***

"Ёшларимиз Навоийни қанчалик чуқур ва пухта билса,– деб ёзади И.Ҳаққул, – маърифат, эзгулик, комиллик сирларини ўшанча кенгроқ эгаллайди. Навоийнинг сўзлари дилига ўрнашган одам, ўзи истасин-истамасин, одамийлик шарафи ва куч-қувватини идрок этади. Навоийни етарли даражада билиш– адолат, диёнат ва имон-эътиқоднинг кучига ишонч демак."Таъбир жоиз бўлса, бу ҳақиқат XV асрнинг сўнгги чораги ва асосан, XVI асрдан англана бошланган ва улуғ Навоий асарларини ўқиш ўзига хос анъанага айланган. Шарқ халқлари китобхонлигида форс-тожик тилида шоҳномахонлик, саъдийхонлик, ҳофизхонлик, румийхонлик, жомийхонлик билан бирга, туркий (эски ўзбек) тилидаги ясавийхонлик, қиссахонлик ёнида навоийхонлик ҳам қарор топган.

Улуғ мутафаккир ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор зарурлигини ўз достонлари ва асарларида яққол ифода этган. Хусусан, "Хамса"нинг дастлабки уч достони – "Ҳайрат ул-аброр", "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", шунингдек, "Маҳбуб ул-қулуб", "Арбаъин"(Қирқ ҳадис) асарларида гуманист шоирнинг ахлоқий қарашлари ўз тажассумини топгандир. Бунда инсон ахлоқи бош мақсад сифатида ўрта аср кишиси нуқтаи назаридан, ўша давргача жамланган илму ҳикмат асосида муносабат билдирилган, албатта. Навоий "Хамса"сининг кириш достони "Ҳайрат ул-аброр" (Яхшиларнинг ҳайрати) шу маънода диққатга сазовор. Бу фалсафий, таълим-тарбияга оид шеърий асар бўлиб, достон Шарқ адабиётидаги хамсанавислик, устозлар (Низомий Ганжавий, Хисрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий) анъанасига мувофиқ дидактик мазмунда ёзилган. Навоий достонининг муқаддима қисмидаги муножотларда шоир Аллоҳнинг буюк ва беқиёс гўзаллигини таъриф ва тавсиф этиш билан бирга, барча мавжудот орасида энг улуғи, энг шарофатлиси инсондир, деган фикрни бадиий юксак даражада ифода этади:

**Барчасини гарчи латиф айладинг**
**Барчадин инсонни шариф айладинг.**

"Ҳайрат ул-аброр" асарининг бошланиши уч ҳайрат тавсифидан иборат. Уларда табиат, коинот ва инсоннинг улуғлиги ва гўзаллиги тасвир этилган. Бу уч мавжудотнинг ягоналиги, бир-биридан ажралмаслиги, уларнинг ҳайратомуз даражадаги уйғунлиги уч ҳайратнинг асосий мундарижасини ташкил этади. 63 бобдан таркиб топган достоннинг 21 фаслини анъанавий муқаддимавий боблар, 40 бобини–20 мақолат ва 20 ҳикоят, қолган икки бобини эса – хотима ва бир ҳикоят ташкил этади. Достондаги йигирма мақола комил инсон ўзида мужассам этмоғи лозим бўлган фазилатлар изҳоридан иборат. «Ҳайрат ул-аброр» фалсафий-таълимий достондир. Асарнинг бир неча боблари одоб-ахлоқ ва таълим-тарбия масаласига бағишлаган. Навоий бу достоннинг олтинчи мақолатида одоб ва камтарликни улуғлаб, таълим-тарбияга доир қимматли фикр ва мулоҳазаларини баён қилиши билан бирга, такаббур ва одобсиз кишиларни қаттиқ қоралайди. Шоир адаблилик тўғрисида фикр юритаркан, уни кичикларга бахтиёрлик, улуғларга юксак мартабалилик омили, деб билади. Бунда тавозуъ–камтарликни асосий восита сифатида талқин этади. Алишер Навоий ахлоқий қарашларини реалистик ифодалашда ҳаётий ташбеҳлардан кенг фойдаланади: "Қачонки янги чиққан ой тавозуъ сақлаб, қаддини хам қилди, у кун сайин камол топа бошлади. ...Осмон ҳам тавозуъга риоя қилиб эгилгани учун бутун олам унинг амрига буйсунади..." Ҳаё ва адаб инсоннинг шараф белгиси экан, кулгу – адабсизликнинг бири, белгиси деб таъкидланади. Шоир бунда ҳам какликнинг қаҳқаҳаси овчи тузоғига, ғунчанинг очилиши (кулиб) хазон бўлишига, чақмоқнинг кулгуси ерга пастлашига сабаб бўлганини ташбеҳлаб келтиради. "кулги ўз меъёридан ошиб кетдими, бундан йиғлаган анча яхшироқдир",– дейди шоир.

Алишер Навоий камтаринлик тўғрисида сўз юритганда ҳам меъёрни аниқ белгилаб кўрсатади: қулга бек ортиқча тавозуъ кўрсатса, ўзига азоб-уқубат ипларини орттирган бўлади. Гадонинг олдида сажда қилиш марҳамат эмас; унга бир дирам берсанг, бу унга нисбатан марҳамат кўрсатишдир. Ўриндан туриб болага жой бериш ҳам адабдан эмас; кексалар бу ишни адаб ҳисоблашмайди.

Шу тариқа, шоир адаблилик шартларини сақлашда ҳар бир одамнинг даражасига қараб бажариш лойиқлигини таъкидлайди. Жумладан, улуғ мутафаккир ёш болага нисбатан энг зарур иш, уни кичкиналигидан парвариш қилишдир, деб кўрсатади. Унинг эътирофича ҳам тарбиянинг бири болага яхши исм қўйиш бўлиб, уни исми билан чақирганларида у уяладиган бўлмаслиги керак. Тарбиянинг яна бири эса Навоий таъкидича, болага илму-адаб ўргатиш учун муаллим чақиришдир. Яна, шафқат қилиш фойдали, аммо ортиқчаси зарардир. Бинобарин, ҳар хил балолардан фарзандини ўз меҳри билан асраши ота-онанинг тавозуъси ҳисобланади.

Навоий тарбиянинг яна бири – ота-онани ҳурмат қилиш эканлигини алоҳида уқтираркан, "буни бажариш унинг (фарзанд–...) учун мажбуриятдир",– дейди. Шоир катта-ю кичикка қарата ота-онага хизматни бирдек қилиш, хизмати қанча ортиқ бўлса ҳам, кам деб билишни ўз ўгитларида юксак бадиий сатрларда дарж этади:

**Бошни фидо айла ато қошиға,**
**Жисмни қил садқа ано бошиға.**
**Икки жаҳонингга тилар сен фазо–**
**Ҳосил эт ушбу иккисидин ризо.**
**Туну–кунингга айлагали нур фош,**
**Бирисин ой англа, бирисин қуёш.**

Достоннинг саккизинчи мақолатида Навоий ёлғизликка нисбатан кўпчилик-жамоатни улуғлаб, кишиларнинг бир-бирлари билан аҳил, дўст бўлишларини истайди. «Ҳайрат ул-аброр»нинг ўнинчи мақолати ростгўйлик, ҳалоллик ва тўғриликка бағишланган. Шоир ёлғон сўзлашнинг ёмон оқибатини «Шер билан Дуррож» масалида овчининг тузоғига тушган Дуррож образида ҳикоя қилади.

Илм аҳлига бағишланган ўн биринчи мақолатда илм ва илм аҳли, қалам аҳли, эл манфаати, савоб ва жаҳолат, худбинлик ва худбинларга муносабат каби масалалар ахлоқий таҳлил этилади. Навоий бир мусофир, камбағал одамнинг чинакам илм олиш учун не-не муҳтожлик, қашшоқлик, очлик ва сарсон-саргардонликлар машаққатини баён қилар экан, илмда соҳибқирон бўлгунча ўттиз йиллик давр ўтишини, шунда ҳам битта-иккитагина камолот эгаси бўлиб етишишини асослайди. Аммо, унинг кўнгли илм маскани, илм даргоҳи, унинг бир қатра вужуди илм дарёсига айлангани улкан муваффақият сифатида талқин этилади: "Яҳудийча десанг яҳудийчани билади, юноний десанг юнонийни ҳам, сурия тилини десанг сурия тилини; ҳиндча савол берсанг, ҳиндча жавоб беради. Илм унинг кўнглини бир дунёга айлантириб, бир қатрага бутун бир дарёни яширади. Сўзларида тўла маъно; гапни сирли безакларга ўраб гапиради. У қаламининг учидан бир гапни қоғозга тўккач, қора сиёҳ билан битилган у хатда оби ҳаёт кўринади. Ёзувининг қоралиги оби ҳаёт суви бўладиган бўлса,унинг маъноси бу зулматдаги оби ҳаётдир. Осмон билан боғлиқ энг қийин масалаларни ҳам осонлик билан ечади. Абу Али ибн Синонинг ҳамма фикрлари унга тушунарли. Қалами хатнинг барча хилларини ёзишга қодир; илмларнинг ҳаммаси унга маълум."

Алишер Навоий олимлик мартабасини ана шундай юксакликда кўради. У илм аҳли деганда кўп тилларни ва билимларни эгаллаган қомусий олимлик шарафини назарда тутиб, уларнинг жоҳилларга хизмат қилиши эса золимлик, деб баҳоланади. Шунингдек, олим илмини амалга эришиш учун восита қилса, ўзини ҳам, халқини ҳам йўлдан адаштириши таъкидланади. Бек ва амирлар муносабати орқали бу фикр ойдинлашади. "Олим агар ўз йўлига қатъий амал қилса,–деб ёзади мутафаккир шоир,– илмига қараб иш тутса, дунёнинг ҳаром молларига кўз олайтирмаса, ўткинчи дунёга тикилиб қарамаса, бундай одамни шараф гавҳарининг кони деб бил... Ҳақиқий олим ўзи кону, юз томони яна гавҳар, ўзи осмону, ҳар тарафи юлдузлар!"

Навоий олимлар билан жаҳолат эгаси бўлган беку амалдорларнинг сурати ва сийратини таққосларкан, ҳаётий деталларни айни муқоя сифатида эслатиб ўтади: "Эгнидаги тўнида юзта йиртиқ бўлса ҳам, гулнинг тўни йиртиқ-йиртиқ экани айб эмас-ку! Қуёшнинг яланғочлиги унинг зийнати-ку; булутдан либос кийганда эса, ҳамма ёқни қоронғилик босади. ...Эр кишининг шарафи кийимда эмас; дур садафдан узоқ бўлса, баҳоси камаймайди. Пашшанинг ҳам уст либоси заррин, аммо унинг қўнадиган жойи ўлимтикларнинг устидир."

Дарҳақиқат, маърифатпарвар ва буюк шоир Алишер Навоийнинг ахлоқий-таълимий қарашлари ҳозирги кунда ҳам шу жиҳатлари билан ўз қадр - қимматини сақлаб келмоқда. У ўз замонидаёқ, ёшларни илм – ҳунар эгаллаш, меҳнатни севишга ундаб, ўрганилган илм ва ҳунарни халқ, Ватан йўлида сарф қилиш зарурлигини уқтирган. Навоий таълимотида илм-фанни эгаллаш учун ёшликдан бошлаб астойдил ўқиш, ўрганиш таъкидланади. Бу жиҳат шоирнинг ўз ҳаётий тажрибасида ҳам етакчи шиорга айланганини, яъни жуда ёшлигидан таълим олгани, ўқишга берилганидан англаш мумкин. Қолаверса, 4-5 ёшлариданоқ кўп шеърларни ёд билганлиги, Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» («Қуш нутқи») асарини ҳам болалик чоғларидаёқ қайта-қайта ўқиб, ёд олгани бу фикрни асослайди.Алишер Навоий умрининг сўнгги дамларигача иқтидорли ёшларга, мактаб ва маориф масалаларига катта аҳамият берганлигини кузатиш мумкин. У меҳнаткаш халқ болаларини ўқитиш ва тарбиялаш учун мактаблар очиш ва мадрасалар қуриш тўғрисида ғамхўрлик қилганлиги, подшо Ҳусайн Бойқародан ўғил ва қиз болалар учун мактаблар очишни талаб қилгани, шахсан ўзи мадрасалар қуришда ташаббус кўрсатгани ҳам навоийшунослар томонидан кўп таъкидланган. Навоийнинг фикрича, мактаб халққа нур келтиради, унга тўғри йўл кўрсатади, болаларни билимли қилади. У ўзининг «Ихлосия» мадрасаси ёнида мактаб очиб, болаларни ўқитиш ва тарбиялаш учун зарур шароит яратиб, бунинг учун лозим бўлган маблағ ажратгани ҳам эътиборли далиллардан.

Навоий дарс берувчини қуёшга ўхшатади ва бу қуёш ўз атрофидаги юлдузларга нур сочади, яъни мударрис «абжадхоналар»га, ҳали илмдан бехабар бўлган толибларга илм нурини сочади, маърифат беради -дейди.

Алишер Навоий таълим-тарбиявий фикрларини ўзи яратган бадиий асарларида кўпроқ баркамол инсонни ифодаловчи ижобий образлар яратиш орқали баён қилади. Навоий ақл кучига чексиз ишонади, комил ишонч билан илм-фаннинг хислати жуда катта, деб ҳисоблайди. Алишер Навоий инсон шахсининг камол топиши боладикдан бошланажагини назарда тутиб,Фарҳод ва Мажнун болалиги тасвирига диққат қаратади. Яъни, «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» каби достонларининг айрим бобларини ҳам болалик тарбиясига оид фикрларга бағишлайди. У ахлоқий-таълимий қарашларини бутун ҳаёти ва ижодий фаолиятининг синтези ҳисобланувчи "Маҳбуб ул-қулуб" ("Кўнгилларнинг севгани") пандномасида янада чуқурлаштирган. Бу асар шоирнинг устозлари Шайх Саъдийнинг "Гулистон" ва "Бўстон", Абдураҳмон Жомийнинг "Баҳористон" сингари дидактик адабиёт анъаналаридан ижодий илҳомланиб ёзилгандир. Хулоса қилиб айтганда шоирнинг барҳаёт даъватлари навқирон авлодларни асрлар оша баркамоллик сари ундаб келмоқда.

**Башорат ЖАМИЛОВА,**
**Бухоро давлат университети доценти, филология фанлари номзоди.**

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Маҳаллий қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган замонавий техникаларни агро кластерларга ва фермер хўжаликларига лизинг асосида етказиб беришда "Ўзагролизинг" акциядорлик жамияти муносиб улушини қўшиб келмоқда.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида ўтган йил 43 миллиард сўмлик техника лизинг асосида етказиб берилган бўлса, жорий йилда 148,8 миллиард сўмлик 457 дона ёки ўтган йилга нисбатан қарийб 4 баробар кўп техника етказиб бериш кўзда тутилган.

Мазкур лойиҳаларни молиялаштириш учун Молия вазирлиги ҳузуридаги қишлоқ хўжалигини Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасидан 180 миллиард сўм, тижорат банклари ва хорижий кредит линиялари ҳисобидан 570 миллиард сўм маблағ жалб қилинади.

Жорий йилда жамият фаолиятига хорижий инвестициялар (кредит, қарз, грант ва бошқалар) жалб қилиш учун йирик тўртлик (Big Four) халқаро аудит компанияларининг биридан халқаро аудит стандарти бўйича ижобий хулоса олиш режалаштирилган.



– Тадбирда маҳаллий қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган 40 дан зиёд замонавий техника ва технологиялар намойиш этилмоқда, – дейди "Ўзагролизинг" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари Бурхон Каримов. – Авваллари фақат пахтачилик ва ғаллачилик хўжаликлари учун техникалар олиб келинадиган бўлса, эндиликда боғдорчилик, токзор, чорвачилик, аҳоли томорқа хизматлари ҳамда шоличилик соҳаларига техникалар ҳамда сув тежовчи технологиялар етказиб берилади. Мақсад – агро кластерлар ва фермер хўжаликлари мушкулини осон қилишга кўмаклашиш.

– Техника – фермернинг қўл-қаноти, – дейди Беруний туманидаги "Алмаз" фермер хўжалиги раҳбари Алишер Якубов. – Бундай тадбирларнинг ўтказилиши зарур техникаларни шу ернинг ўзида харид қилиш имкониятини беради. Бу ерда намойиш этилаётган юқори унумли ҳайдов тракторлари фермерларда катта қизиқиш уйғотмоқда.



Тадбир доирасида қишлоқ хўжалиги техникаларини лизинг асосида етказиб беришнинг афзалликлари, бу борада ҳукуматимиз томонидан белгиланган имтиёзлар бўйича тақдимотлар ўтказилди.

**Д.АБИБУЛЛАЕВ.**
**М.ҲАБИБУЛЛАЕВ олган суратлар.**

САРҲИСОБ

# ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗИГА МЕДИА-ТУР

**Давлат хизматлари агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси томонидан 2020 йил давомида амалга оширилган ишлар ва жорий йилги режалар билан яқиндан танишиш мақсадида оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда блогерлар учун Чимбой туманида медиа-тур ташкил этилди.**

Иштирокчилар дастлаб туман Давлат хизматлари маркази фаолияти билан билан яқиндан танишди.

Марказнинг янги биноси 2019 йилда фойдаланишга топширилган. Ўтган давр мобайнида аҳолига 51768 та давлат хизмати кўрсатилган. Шунингдек, 829 тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилган.

Тадбир доирасида оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда блогерлар учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда Давлат хизматлари агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи К.Артиқов 2020 йил давомида амалга оширилган ишлар ва жорий йилги режалар бўйича ахборот берди.

Таъкидланганидек, бошқарма, 17 та шаҳар ва туман Давлат хизматлари маркази, уларнинг 6 та филиали томонидан 140 дан ортиқ хизмат тури кўрсатиш бўйича ўтган йил давомида фуқаролардан жами 820 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушган.

Уларнинг асосий қисмини электрон рақамли имзо сертификатини олиш, болаларни мактабгача таълим ташкилотига жойлаштириш, кадастр паспортини шакллантириш, кўчмас мулк, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ва қайта рўйхатдан ўтказиш каби хизматлар ташкил этди.

Давлат хизматлари марказлари томонидан жами 13139 тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиб, шундан 5051 нафари юридик шахс ва 8088 нафари якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти сифатида қайд этилди. Шунингдек, хорижий инвесторлар иштирокида 13 та корхона давлат рўйхатидан ўтган бўлиб, уларнинг 9 таси қўшма, 4 таси хорижий корхона ҳисобланади.

Нафақат шаҳар ва туман марказлари, балки чекка ҳудудлар аҳолисига ҳам қулайлик яратиш мақсадида сайёр хизматлар кўрсатиш тизими йўлга қўйилди. Жумладан, ўтган йил мобайнида 60 мингга яқин сайёр хизмат кўрсатилди.

Аҳолининг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш, инсонларни ўйлантирадиган муаммоларни жойида ҳал этиш Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Қўнғирот туманидаги «Қорақалпоғистон», «Жаслиқ» шаҳарча фуқаролар йиғинларида, Мўйноқ туманидаги «Қозоқдарё», Элликқалъа туманидаги «Сарабий», Беруний туманидаги «Абай», Тўрткўл туманидаги «Ёнбошқалъа» овул фуқаролар йиғинларида мана шундай филиаллар ташкил этилди. Натижада бугунги кунда филиаллар томонидан кўрсатилган хизматлар сони жами 10 мингдан ошди.

Бошқарма томонидан шаҳар ва туман давлат хизматлари марказларида 73 маротаба "Сирли мижоз" ва "рейд" тадбири ўтказилди. Ишда хатоликка йўл қўйгани учун 7 нафар ходим огоҳлантирилди, 2 нафар ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинди, 23 нафар ходимга интизомий жазо чораси қўлланилди. Шунингдек, марказ ходимлари билан 300 дан ортиқ профилактик суҳбат ўтказилди. Шуни алоҳида айтиб ўтиш керак, бундай тадбирларнинг ўтказилиши тизимда коррупциянинг ва бошқа салбий ҳолатларнинг олдини олишга сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг фармонига асосан ФҲДЁ идоралари 2020 йил 1 апрелдан бошлаб Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги тасарруфига ўтказилди. Шаҳар ва туман ФҲДЁ архивларида жами 3 миллион 550 мингдан ортиқ далолатнома ёзуви бўлиб, ҳозирги кунда «ФҲДЁ ягона электрон архиви» базасига тўлиқ киритилиб, электрон шаклга ўтказилди.

Ўтган йиллар мобайнида Мўйноқ, Чимбой, Амударё, Қонликўл, Қўнғирот, Беруний, Тахтакўпир ва Бўзатов туманларида давлат хизматлари марказининг янги бинолари фойдаланишга топширилди. Давлат хизматлари агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси, Тўрткўл, Қораўзак, Тахиатош ва Шўманой туманлари давлат хизматлари марказлари янги биносининг қурилиш ишлари якунланиш арафасида. Шунингдек, Нукус шаҳар, Хўжайли, Нукус, Кегейли ва Элликқалъа туманлари давлат хизматлари марказларининг янги бинолари шу йил охирига қадар қурилиб топширилади.

Тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олди.

**Д.АБИБУЛЛАЕВ.**

# МЕҲНАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ТОМОНИДАН ҚАНДАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАЯПТИ?

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон Республикаси бўйича меҳнат инспекторлари томонидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳамда Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси вакилларидан иборат ишчи гуруҳ билан ҳамкорликда санитария қоида ва меъёрларига доимий амал қилган ҳолда қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўтган вақт мобайнида белгиланган тавсиялар асосида, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида фаолиятига рухсат берилган қурилиш, ишлаб чиқариш ва савдо объектларида карантин қоидаларига риоя қилиниши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш мақсадида 276 та корхона ва ташкилотда ўрганишлар ўтказилди ҳамда тушунтириш ишлари олиб борилди.**

Қорақалпоғистон Республикасида коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишига қарши курашиш тадбирларида иштирок этаётган 56 та даволаш-профилактика ташкилотининг 3767 нафар тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларига махсус қўшимча рағбатлантириш тўловлари тўланиши устидан касаба уюшмаси томонидан жамоатчилик назорати ўрнатилди. Натижада 18 та даволаш-профилактика ташкилоти раҳбарига (иш берувчига) кўрсатма киритилиб, 242 нафар ходимга 1 миллиард 303,2 миллион сўм тўлаб берилди.

2020 йил сентябрь-октябрь ойларида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги 2 та кластер, 76 та фермер хўжалиги, 17 та маҳалла ва 15 та корхонада ўрганишлар ўтказилиб, аниқланган 367 та камчилик ҳамда қонун бузилиш ҳолати бартараф этилди. 390 нафар фуқаролар билан суҳбат, 32 та тарғибот-ташвиқот тадбири ўтказилди.

Аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан иш берувчиларга 4 та кўрсатма киритилди ва 34 миллион 332 минг сўм терим пули ундириб берилди.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган Қўнғирот тумани "Устюрт қидирув бурғулаш бошқармаси" МЧЖ, Нукус шаҳри "HUDUDGAZ QORAQALPOG'ISTON" газ таъминоти филиали, "Тахиатош нефт базаси" МЧЖнинг Чимбой, Тўрткўл, Элликқалъа, Қаратаў филиаллари, жами 6 та корхонада жамоатчилик назорати ўтказилди.

Аниқланган 71 та камчилик ва қонун бузилиш ҳолати юзасидан иш берувчиларга 19 та кўрсатма киритилди ва камчиликлар бартараф этилди. Шундан "Устюрт қидирув бурғулаш бошқармаси" МЧЖнинг 916 нафар ходимига қўшимча таътиллари учун 285,8 миллион сўм, "Тахиатош нефт базаси" МЧЖнинг Тўрткўл филиалининг 93 нафар ходимига 9,8 миллион сўм пули ундириб берилди.

Касаба уюшмаси аъзоларининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида 29 нафар фуқаронинг ёзма мурожаати ўрганилиб, уларнинг манфаатини кўзлаб иш берувчиларга 12 та тақдимнома ва кўрсатмалар, фуқаролик ишлари буйича судларга 9 та даъво ариза киритилди. Шундан, 3 та тақдимнома тўлиқ, 2 та тақдимнома қисман, 6 та даъво аризаси қаноатлантирилди.

Жами 11 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланиб, уларга иш ҳақи ва етказилган 96 миллион сўм маънавий зарар ундирилди. 10 та мурожаат эгасига қонунчилик талаблари тушунтирилди.

Фуқароларнинг мурожатлари ва илтимослари, меҳнат ҳуқуқ инспекторининг ўз ташаббуси билан 34 нафар ходим (касаба уюшма аъзолари)нинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида судларда иштирок этиб, жами 28 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Уларга иш ҳақи ва етказилган 186,3 миллион сўм маънавий зарар ундирилишига эришилди

**П.ТУРСИНОВ,**
**Б.УТЕПБЕРГЕНОВ,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон Республикаси бўйича меҳнат инспекторлари.**

# ДОИМО ШАЙ ҲОЛАТДАМИЗ

***Йил якунланиб янги йилга қадам қўйилар экан, албатта ўтган йил сарҳисоб қилинади. Биз ҳам ўтган йил давомида амалга оширган ишларимизни таҳлил қилар эканмиз, ёнғин, газ ва ҳаво аралашмасининг чақнаши, табиий ва ис газидан заҳарланиш ҳамда бошқа нохуш ҳолатлар содир бўлишининг олдини олиш борасида туманда кенг кўламли ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўламиз.***

Ўтган йилнинг ноябрь-декабрь ойларидан бугунги кунга қадар туман ҳудудидаги корхона, ташкилот ва аҳоли турар жойларида содир бўлиши мумкин бўлган нохуш ҳолатларнинг олдини олиш бўйича тузилган 4-та секторлар кесимида тегишли мутахассислардан иборат гуруҳлар томонидан 37 та овул ва маҳалла фуқаролар йиғинларида 128 маротаба рейдлар ўтказилди.

Ўтказилган рейдлар давомида туман ҳудудидаги 8412 та уйлар, 72 та кўп қаватли уйлардаги 1218 та хонадонлар текширилиб, аниқланган жами 1731 та камчиликнинг аксарияти жойида бартараф қилинди.

Шунингдек, маҳаллалардаги боқувчисини йўқотган, спиртли ичимликларга ружу қўйган, ёлғиз яшовчи қария ва ногиронлар ҳамда руҳий касалликлар диспансерлари рўйхатида турувчи фуқароларнинг яшаш жойларига алоҳида эътибор қаратилиб, 50 тасида профилактик тушунтириш ишлари олиб борилди.

Шу билан бир қаторда, туман ҳудудидаги 90 та давлат тасарруфидаги объектларда текширувлар ҳамда 32 та тадбиркорлик субъектида фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан тушунтириш ишлари ўтказилиб, профилактик тадбирларда жами 293 та камчиликлар аниқланиб, шулардан 161 тасининг бартараф этилишига эришилди.

Текширувлар давомида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузаётган, ёнғин содир бўлишига олиб келиши мумкин бўлган 34 та ҳолатда электр ускуналари, мослама ва агрегатлардан фойдаланиш тақиқланди ва 6 та бино ва иншоотларнинг иш фаолияти вақтинчалик тўхтатилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида маҳаллаларда 12 маротаба муҳокамалар ўтказилди.

Профилактик тадбирларни самарали ташкил этиш, олиб борилаётган ишлар ҳамда ёнғин ва бошқа хавфсизлик талабларига риоя этилишини кенг оммага етказиш мақсадида туман ФВБ ходимлари томонидан маҳаллий телеканал орқали репортаж ва фавқулодда ҳолатлар ва фуқароларнинг ис газидан заҳарланишининг олдини олиш мавзусида ҳар куни 4 маротабадан ведио роликлар шунингдек аҳоли оммабоп томоша вақтларда "101 огоҳлантиради" деган мавзуда эълонлар намойиш қилинмоқда.

Туман Халқ таълими бўлимига қарашли 66 та ўрта таълим мактабларига ва 1 та махсус мактаб интернати, 33 та ДМТТ ҳамда тиббиёт бирлашмасига қарашли 16 та даволаш муассасаларига ёнғин хавфсизлиги бурчаклари ўрнатилишига эришилди.

Шунингдек, тадбир давомида аҳолига 15000 нусхада чоп қилинган эслатма ва буклетлар тарқатилди. Тумандаги Тўрткўл шох бекати, "Тўрткўл савдо комплекси" МЧЖ буюм бозори ва "Тўрткўл эл ризқ" МЧЖ деҳқон бозори ҳудудида шунингдек, туманнинг қатнов гавжум бўлган марказий Самарқанд, Устозлар ва Беруний кўчаларига банерлар ўрнатилди.

Тунда инсонлар қоладиган масканларда турли хилдаги кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида туман ФВБларда тунги гуруҳлар ташкил этилиб, ушбу гуруҳлар томонидан Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги объектлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш соҳалари ва бошқа турдаги 11 та объектларнинг ёнғинга қарши ҳолати текширувдан ўтказилиб, аниқланган камчиликларни жойида бартараф этиш чоралари кўрилди.

Куз-қиш мавсуми даврида туманимиз ҳудудида содир бўлиши мумкин бўлган ёнғин ва бошқа нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ФВБнинг Ёнғин қутқарув қисми мавжуд куч ва воситалари билан доимо жанговар ва шай ҳолатдадир.

**Б.КУРБАНБАЕВ,**
**Тўрткўл тумани фавқулодда вазиятлар бўлими ходими, катта сержант.**

# АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

***2020 йил 16 мартда қабул қилинган "Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунида рўйхатга олиш жараёнида иштирок этувчи барча юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган.***



Жумладан, рўйхатга олувчи ходимлар рўйхатга олиш варағига биноан респондентлардан шахсга доир маълумотларни олиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, рўйхатга олувчи ходимлар шахсга доир маълумотларни йиғишни бошлашдан олдин респондентга ўз гувоҳномасини кўрсатиши, ўз ваколатларига мувофиқ ишларни сифатли ва белгиланган муддатларда бажариши, шахсга доир маълумотларни йиғиш жараёнида "Аҳолини рўйхатга олиш дастури" да белгиланган саволлар рўйхатига риоя этиши, уларнинг мазмуни бузилишига йўл қўймаслиги, шахсга доир маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши, уларнинг мазмунини ошкор қилмаслиги шарт.

Бевосита рўйхатга олиш жараёнида иштирок этувчи жисмоний шахслар респондентлар хисобланади. Респондентлар - аҳолини рўйхатга олиш санасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳамда Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи, лекин аҳолини рўйхатга олиш санасида унинг ҳудудидан ташқарида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларидир.

Респондентлар ўзининг шахсга доир маълумотлари нима мақсадда йиғилаётганлигини, ушбу маълумотлардан ким ва қандай тарзда фойдаланишини билиш, ўзи учун тўлдирилган рўйхатга олиш варақлари билан танишиб чиқиш, рўйхатга олиш варақларига киритилган шахсга доир маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини аниқлаштириш, рўйхатга олувчи ходимлардан тегишли гувоҳномани кўрсатишини талаб қилиш, рад этилган тақдирда эса — рўйхатга олиш варағидаги саволларга жавоб бермаслик, рўйхатга олиш варағининг шаклига биноан шахсга доир ишончли маълумотларни тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Респондентлар аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга монелик қилмаслиги шарт.

**А.ИБРАЙМОВ,**
**Нукус шаҳар статистика бўлими бошлиғи.**

QORAQALPOG'ISTON TONGI
SHU AZIZ VATAN BARCHAMIZNIKI
MUASSISLAR: Qoraqalpog'iston Respublikasi Jo'qorg'i Kengesi va Respublika Vazirlar Kengashi.
Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA
2010 yil 31-martda Qoraqalpog'iston Matbuot va axborot agentligida 01-057-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr indeksi—2000, 2001. Buyurtma—7-8. hajmi-2 bosma taboq. Qog'oz bichimi A-2. Bahosi kelishilgan narxda. Gazeta haftasiga 1 marotaba chop qilinadi.
TELEFON, FAKS: 8(361) 222-81-18
Tahririyatga kelib tushgan qo'lyozmalar, suratlar muallifga qaytarilmaydi. Gazetaning sifatli chop etilishi uchun noshir, mushtariylar qo'liga o'z vaqtida yetib borishi uchun esa «O'zbekiston pochtasi» OAJ Qoraqalpog'iston filiali, «Matbuot tarqatuvchi» MCHJ bo'limlari javobgardir.
MANZILIMIZ: 230100, Nukus shahri, Islom Karimov guzari, 111-uy.
Gazeta «TEZKOR-MATBAA» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Manzil: Urganch shahri, Amir Temur ko'shasi 145-uy
Tezkor Matbaa
ISSN 2181-5224
t -Tijorat materiali
CMYK
Gazeta tahririyat komp'yuterida terildi va S.JO'LDIBOYEV tomonidan sahifalandi.
Navbatchi muharrir: F.NURULLAEVA
Bosishga ruxsat etilgan vaqti: soat 19.00.